

1

шанланған  
асарлар

Мұжтоз Мұсажедов

МӨМТӨЗ МҮҲАМЕДОВ

ТАНГАРЫАЛ АСАРЛАР

---

о



821.512.133

496

43  
M-96

# МУМТОЗ МУҲАМЕДОВ

## ТАНЛАНГАН АСАРЛАР


ИККИ ЖИЛДЛИК

БИРИЧИ ЖИЛД

○

ҚИССАЛАР

ХОТИРА ВА ОЧЕРКЛАР



Тошкент  
Ғафур Ғулом номидаги  
Адабиёт ва санъат нашриёти  
1980

Сүзбоши муаллифи Раҳмат Файзий

Мұхамедов Мұмтоз.

Танланған асарлар: 2 жылдлик.— Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1980. 264 б.

I-чи жылд. Қиссалар. Хотира ва очерклар.

Мұмтоз Мұхамедов етмиш ёшга тұлди. У адабиётимиздегі кекса авлодига мансуб адилардан бири. Унинг роман ва бир қатор қиссалари китобхонларға яхни тапшылды. Юбилей мұносабаты билан адилнинг икки жылдлик «Танланған асарлар» жиынтығы шығып, оның өзінің өзінен жылдам шығарылған. Бириңи жылдага «Юлдузлар хиёбони», «Лочинлар қиссанасы» қиссалары қамда айрим очерк вәхитінде жиынтықтың қалыптасып шығарылған.

Мухамедов Мумтаз. Избранные произведения: в 2-х томах. Том I. Повести. Воспоминания и очерки.

84Уз7

M 0303-67  
M352(04)-80 10-80 4702570200

## ҲАЁТ БИЛАН ҲАМНАФАС

Эллик саккизинчى йилнинг декабрь оқшоми. Биринчи Май күчасидаги Ҳамид Олимжон номли республика Адабиётчилар уйида Мумтоз Мұхamedов таваллудининг эллик ипплигига бағишилаңған юбилей кечасыга тұплаништамыз. Мумтоз Мұхamedовнинг изходий фаолияти ҳақындағы докладдан кейин табриклаш учун биринчи бұлыб Faфур ақам минбарға чиқдилар. Үстоз ўз одатларига күра шошилмай үринларидан туриб минбар ёнига келдилар, күзойнакларини тақиб залға бир қараб чиқдилар-да, вәз айтпип үчүнмас, қандайдыр бирон воқеани ҳынса қилиб бериш ёхуд маслаҗатли бир ишни үртага ташлаш ныятыда минбарға чиққандек сүз бошладилар:

— Назаримда юбиялар ҳақындағы маъруза ёмон бўлмади. Боиси шуки, биз ҳаммамиз... нима десам экан, агар каттакон паргарни Шур тепага (Хадра билан Толзор оралигидаги тепалик) үрнатиб, доира чизадиган бўлсак, ҳаммамиз ана шу доира ичиди, яъни Хадра атрофидаги маҳаллаларда туғилиб, үсемлигимиз аниқ бўларди. Хадрани азим бир дараҳт деб фарз қиласак, унинг бир шохи Ойбекнинг, бир шохи камининг, бошқа шохлари Абдулла Авлоний, Faйратий, Зиё Said, Зулфияконим, Манзурабону (Ойдин), Раҳмат Файзий ҳозилларига соя ташларди. Мумтоз ҳам худди шу дараҳт соңс�다 үсган девонбегилик йигит эди... Яна бир томони мен ишлагак мактабда таҳсил кўрган, яна бир томони «Муштум»да кўп ишлаган, ишлагандайм ҳўп ишлаган, ҳажвиялари бинойидек эди. Мана, бугунги мунга келиб, адабиётимизнинг кўзга кўринган адибларидан бирин бўлиб етишди...

Үстоз Faфур Ғуломнинг содда, худди оға-инилари ҳақида гапиравётгандек туюлган бу сўзләри замирида ниҳоянда самимилик, «бир кўрпада ўстганимиз» қабилидаги меҳз тұла ҳис-туйғу бор эди. Шу билан бирга мана шу даҳада, Хадра атрофида, ўзбек совет ёзувчиларининг кўпгина кўзга кўринарли намояндадар етишиб чиққанлыги билан фахрланиш туйғуси ҳам сезилиб туарди. Шу топда юбиялар Мумтоз Мұхamedовга разм солсангиз, тұқ мағиз ранг юзлары олов бўлиб ёнарди, кўз қорачиқлари намланған, ҳаяжонланиб ўтиарди. Faфур Ғуломдек аллома билан ҳамшашар, ҳамсон эканлигидан, шу мўтабар даргоҳда унинг таҳсинига сазовор бўлганидан шукроналик ҳиссига батамо гарқ эди.

Ўзбек совет адабиётининг бизнинг кунларда кекса авлоди деб одатларидан қолинган, аслида түнғич авлодига мансуб Мумтоз Мұхamedов — бамисоли жонли солнома. Деярли асримиз билан тетапоя қилиш, замондошларимиз билан одимлаш, совет беш йилликлари билан ҳамнафас бўлиши,

Улуг Ватан боштага оғир куилар түпганиде күлгө қурол олиб, сағдошлари сағида жаңы қилиш, партиямизнинг содиқ солдати сифатида қайси соҳада бўлмасин раҳбарлик лавозимларида унинг топшириқ, йўл-йўриғларимиз сидқидилдан амалга ошириш ҳазилакам ишмас! Шу туфайли ҳам унинг қаламидан чиқсан наср ба назм асарларини ўқиган китобхон совет кишилари босиб ўтган шонли тарихий йўлни, шиддаткор давр руҳини, кенг бунёдкорлик майзарасини яққол кўз ўнгига келтиради.

1908 йили Тошкентдаги дурадгор-ишли оиласида дунёга келган Мумтознинг хонадонига ҳам Биринчи жаҳон уруши машъум кўланкасини ташлади. 1916 йили отаси мардикорликса олинди. Оғир аҳволда қолган оиласиning жонига бобоси ора кирди. Тирикчиликка қарашди, Мумтозни эски мактабда ўқитди. Бир оғги ерда, бир оғги гўрда бўлган бобо иссиқни иссиқ, совуқни совуқ демай, бойларга ёлланиб иморат соларди. Суяги ютмаган Мумтоз бобосига қарашар, баҳоли қудрат унинг оғирини енгил қиласди.

Октябрь қўёши балқигандаги Мумтоз тўққиз яшар бола эди. Тез орада ота жигаргўшлари қучогига қайтиб келди, оиласиning кўракрагига шамол теккандай бўлди. Мумтоз Олмазор маҷалласидаги «Ҳаёт» деб номланган янги усул мактабига қатнай боплади. Бу ерда таълим-тарбия, хусусан, адабий муҳит анча кучли эди. Негаки, мактабда ўзбек совет адабиётининг асосчиларида бирни Гафур Гулом илмий мудир, Гайратий муаллим бўлиб ишлардилар.

Кундузлари бобосига қарашадиган Мумтоз оқшомлари, айниқса узундан-узун қиши кечаларида сандал ёнида бувисининг пинжига кириб олиб, луажида туршак ёки қурт ҳимиси бувикинг ўзишларига маҳлиё бўларди. Афсонами, эртакми, латифами, достон ёки ғозалларми ёхуд бирон-бир алломанинг ҳикматли гаплари, мақол, маталлар бўладими, жон қулоги бўлиб тингларди. Айниқса халиқ термалари, фольклоридаги ҳажвиллар уни ниҳоятда қизиқтирас, бувисини ўйқу босса босардики, ёш Мумтоз мижжакоқмасди.

Мажалла-кўйда бообру, ҳамиша тўй-маъракаларнинг тўрида иззатикромли отини ҳисобланган бувиси Зайнаб отин ҳам неварасидаги бу қизиқишдан ич-ичидан қувонарди. Шу туфайли бўлса керак, уларнинг межмонхонасида шоир Мискин (Мулла Қўшоқ) иштироқида бўлиб турадиган китобхонлик, гурунгларда катталар даврасида алламаҳалтача қолиб кетса койимасди, аксинча суҳбатлар, китобхонликлар ёш Мумтозга қай тахлитда таъсир қилаётгани билан қизиқарди.

Меҳрибон бувининг марҳамати, бадният даргоҳига етаклаши мактаблаги адабий муҳит таъсири билан қўшилиб, ёш Мумтознинг калбига илк марта бадният ургуни ташлади, ижодга ҳавас ўйғотди. Бу ҳавас мактабда, ўқип даврида янада аллангалади, кичик-кичик шеърлар машқ қила бошлади.

Тез орада ёш қаламкаш ҳурматли шоирларимиз Гафур Гулом, Гайратийларнинг эътиборини ўзига тортди. Уятчан, тортичноқ Мумтоз ёзганинг кўрсатишга ботинолмасди, Гафур ака унга кўпроқ мактаб деворий газетасига шеърлар бериб туришини тайинларди. Мумтоз мактабни битириши арафасида ишонли комсомол сафига қабул қилинди ва синоат-иҷтиёд техникумига ўқишига кирди.

Бу даврга келиб Мумтоз қаламини анча чархлаб олган эди. Шеърлари ді 20-йиллардаги кураш ва қарама-қаршиликлар билан тўла даврни куйлашга, ўз йўлни, мағкурасини белгилашга, давр олға сурган масалаларни қаламга олишига, пролетар ғалабасини юракдан мадҳ этишга интилди. Бу жиҳатдан шоирнинг «Умид изидан» (1926), «Эрк сарис» (1929), «Марра» (1928), «Пўртана» (1929), «Фабрикада» (1927), «Ильич байробига» (1929), «Таранжига ҳужум», «Яна аҳд» (1928) каби шеърлари характерлидир. Тўғри, бу шеърларининг кўпчилиги ҳали бадини ожиз эди, улэр балоғатга

етмаган боланинг дўриллаган овозига ўхшарди. Бироқ бу шеърларда даву воқеалари, инқилоб моҳиятини илғаб олишга итилиш бўртиб туроди. Мана, шоир «Умид изидан» илк шеърида нима дейди:

Үйдирма сўзларга  
Хеч қулоқ бермайман,  
Сеҳрли кўзларга  
Гул-лола термайман.  
Менинг ёш тилагим  
Барчадан улуғдир,  
Меҳнаткаш билагим  
Соф қон-ла тўлуғдир...

Шу парчанинг ўзиёқ Мумтоз ижодининг дастлабки кунлариданоқ соглом мавқеда турганлигини кўрсатади.

Бу даврда шоирнинг аксар шеърлари «Қизил Ўзбекистон» газетасида, «Кўрмана» (1929), «Бахт» (1930), «Зарбдор қаламлар» (1931) альманакларида, «Маориф ва ўқитувчи», «Янги йўл» ва «Ерқин ҳаёт» журналларида «Қалам», «М. Мумтоз», «М. Мухаммад ўғли», «Устазода» тахаллуслари билан босилиб чиқди.

1930 йили Бокуда чоп этилган «Чўғлар» шеърлар тўплами Мумтоз Муҳамедовнинг ижодида алоҳида ўрин тутади. Ундаги сатрлар Маяковский руҳи билан йўғрилган. Деярли ҳаммаси эркин вазнда ёзилган бу шеърларда иччи зарб кучли. Улар бачканга ҳислардан холидир.

Шоирнинг «Ер юзи» журналида эълон қилинган «Социализм посбони» ва «Ильич байробига» шеърларига бир назар ташлайлик: «Социализм посбони»даги лирик қаҳрамон янги социалистик жамият кишисининг умумлашма образи даражасига кўтарилган. У «Янги дунё», «Янги қурилиш» бошланганлиги, «ер ўқини зириллатиб зарбали юриш» қилаётганлиги билан фахранади. Шоир таъкидламоқчи, бу бизнинг синф, ғолиб синф. Бу синф армияси эса, ўмровли, енгилмас:

Бизнинг синф  
Ғолиб синф,  
Бу синф армияси,  
Ҳар бириси —  
— Биз,  
Фрунзе,  
Будённийдай —  
тетик ўмров,  
Уримасин,  
Кучанмасин,  
Бир чирик илдиз каби  
Капиталист —  
синфий ёв!

Мумтоз шеъриятида социалистик саноат темаси, ишчи образи гуркираб туриши тасодифий эмас, албатта. Чунки у Максим Горький чақиригига биноан тарихлардан тарих яратиш учун «Ташсельманш» заводида бир

мунча вакт оддий ишчи булиб ишлади. Гайратийнинг машхур «Чукич»и, Мумтознинг «Фабрикада» шеъри шу завод цехида дунёга келган.

Мумтоз 1929 йили техникумни тамомлагач, Москвада, журналистика институтининг комсомол бўлимида ўқииди. Бу ердаги маънавий иқлим узга улуг рус халқининг маданияти, адабиёти, санъати билан яқиндан таҳлиши имконини беради. Турған гап, буларнинг ҳаммаси унинг тафаккур уфқини кенгайтириб юборди. У 1931 йили институтни битириб, Тошкентга кўйтди ва «Муштум» журнали редакциясида адабий ходимлик қилди, ке-йинчалик журналнинг масъул котиби бўлиб ишлади.

Ушанда «Муштум»нинг бош муҳаррири Зиё Саид эди. У Мумтоз Муҳамедовга журналнинг фаол муаллифлари Гафур Гулом, Абдулла Қаҳҳор, Собир Абдулла, Ғулом Ғафуров, Комил Алиев, Шайхзода, Ҳожиолим Кобилов (Ҳазилкаш) сингари моҳир ҳажвиячилардан кўпроқ ўрганишин мослаҳат берди. Мана шу турткি баҳона, ўзидағи иктидор туфайли ҳажвичиликнинг нозик сирларини билиб олди ва диққатга шоён қатор шинам асарлар яратди. «Хўжа Ҳўжаев», «Вос-вос, упканги бос!», «Хижолат», «Қўшилар», «Ҳайбаракаллачилар», «Қандингни ур, Абдураҳмон», «Сўлган лола», «Лайлутләдэр» каби памфлет, ҳажвия ва фельетонлар шулар жумласидандир. Уларда автор асосан янги ҳаётимизга, социализм ривожига, хотин-қизлар озодлигига, колективлаша ишига тўғсан ёзғириятни бўлаётган упсурлар, бюрократлар, ҳуррият душманлари, дин пешволари устидан заҳархана кулади.

Мумтоз Муҳамедов асарларида кулги авторнинг тасвирилаётган муносабатини ифодаловчи бир восита. У кулгидан ҳаётдаги ижобий ҳодисаларни тасдиқлашда уларга майилигигини, хайрикоҳлигини билдиришда, айни бир нақтда салбий ҳодисаларни, турли-туман иллатларни инкор қилишда, уларга нафратини билдиришда фойдаланади. Мумтоз Муҳамедов асарларида кулгининг ҳар хил, ранг-баранг турларини учратиш мумкин — уларда маъни табассумдан аччиқ истеҳзогача, юмшоқ ҳазилдан узиб оладиган киисягача, енгил жилмайишдан газабли қаҳқаҳагача бор. Ёзувчи ҳар гал танылаб олинган воқеанинг оқимига, қаҳрамоннинг характеристига, ўзининг ниятига мос равишда кулгининг ана шу турларидан биттасини ёки бир нечтасини қўллайди. Адабнинг «Ҳазил ва чин» тўпламига кирган ҳикояларни кўздан кечирсак бунга ишонч ҳосил қиласиз. «Лектор» ҳажвиясида автор билимдон лекторларнинг шаънига иснод келтириб юрган айрим «материат пешволари» устидан кулади. Ҳикоя «қаҳрамони» Махсумжон «оммавий-сийёсий ишларни кучайтириш» учун қишлоққа келади. Лекцион колхоз раиси билан бўлган сұзбатдаёқ унинг чузи чиқади. Лектор «пахта терснинг тоза тер, чаногида қолмасин» деган Алишер Навоийнинг ҳикматли сўзига бағишлиб «лекция ўтказиш» нияти борлигини раисга айтади. «Қаҳрамони»нинг сўз-изборлари, хатти-ҳаракати ўқувчидаги кулги уйготади. «Лектор»нинг билими саёзлиги, лўттибоз эканлиги ошкор бўлгани саини ҳикоя замиридаги ҳаётий ҳақиқат яққолроқ кўрина бошлайди. Натижада кулги чуқур маънно ба катта аҳамият касб этади.

Мумтоз Муҳамедов асарларида кулги ҳамма вақт актив роль ўйнайди. У тасвири воситаси бўлиши билан бирга ўқувчини тарбиялаш қуроли ҳам. Ёзувчи ўз гояларини ялангоч баён қилмайди, бунинг ўрнига у кулги орқали ўқувчининг туйғусига таъсир қилишни афзал кўради. Ўқувчи, «Орият»ни ўқиркан, кўпчиликнинг ҳурматини қозонган меҳнатсевар Ҳоссият ҳолини бригадирликдан бўшатиб, унинг ўрнига ўзига тегишили, яъни сельпо дўкони сотувчиси Қўзибойни тайинламоқчи бўлган колхоз раиси Отабоев, омбор мудирлари йигилишида айтган фикр мулоҳазаларига гувоҳ булади ва ниҳоят ҳикоя сўнгидаги уларнинг шарманда бўлганликларини кўриб кулади.

Үқурчининг мана шу кулгисида катта маъно бор — у Отабоев, Қўзибой ва омбор мудирларидан кулар экан, демак, узини мана шу ичкиликхўр, ўз мансабини сунистеъмол қиласётган очкӯс, вижданосиз одамлардан юқори деб билади. «Лайлатулқадр» ҳикоясида эса кулги бошқа тусда жилваланинди. Хуфтон намозини айтган Ҳалил сўфи ўз овозидан нолийди, аҳволига ачинади. Чунки унинг аzonини ҳеч ким писанд қилмайди. Айнича кинодан келаётган йигитларнинг ўзаро: «Ия, анови амакимни қаранг, ғирорнинг деворига чиқвоби пастга тушолмай шовқин солишини қара-я» деганлари унга жуда тегиб кетади. «Гўё ҳўплаб турган чойига пашша тушгандек таъби хира бўлади». Сўфи иллари папирос, «ҳаром сув» сотиги турар, лекин янги келтан имом ундан чалдастроф чиқиб, савдо-сотиқ ишларини ўз қўлига олган эди. У шуларни эслаб хуноби янада ошади.

Ҳалил сўфи воқеа давомида Қосим қорининг ширакайф овозини лайлатулқадрники деб ўйлаб, сир ошкор бўлгач, кулгили аҳволга тушиб қолади.

Умуман олганда, ўттизинчи йиллар Мумтоз Муҳамедов ижодида ҳам чуқур излар қолдирди. Адид шу йилларда насрда, хусусан, ҳикоячиликда баракали ижод этди. 1935 йили «Комсомол», 1937 йили «Ота қадрдоним» каби иккита ҳикоялар тўплами босилиб чиқди. Худди шу йилларда профзининг йирик жанри — романчиликда ҳам кучини синаб кўрди. «Чаман» романни шу изланишнинг ҳосилидир. Уша даврнинг муҳим жабҳаси, адабиётнинг бош мавзуи — колхоз ҳаётидан олиб ёзилган бу романнинг баъзи боблари «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» журнали саҳифаларида эълон қилинди.

Бироқ уруш бошланиб қолади. Мумтоз Муҳамедов устоз Абдулла Қодирий таҳриридан чиққан ана шу романини ҳам нашриёта топширолмай Фронтга — Ватан ҳимоясига отланади.

Шуниси эътиборга сазоворки, адабиётимизнинг тўнгич бўгини ижоди азим чўққилар каби серқирра ва жилокордир. Бу хусусият Мумтоз Муҳамедовга ҳам тааллуқлидир. Бу даврда яратилган «Биринчи гудок», «Замона хотини», «Бизда ва уларда», «Ўрмон ва қоллон» пьесалари ҳаёт қатламлари ҳақоний кўрсатилганлиги, давр эҳтиёжига ҳозиржавоб бўлганлиги билан ажralиб туради. Аҳолини ёлласига саводхон қилиш, пахта мустақиллиги учун кураш, социалистик Ватаннинг мудофаа курдатуни мустақамлаш — буларнинг ҳаммаси Мумтоз Муҳамедов ижодида акс садосини топди. Еу ўринда умидбахш драматургнинг болалар ҳаётига қўл уриши ҳам бежига эмас эди. СССР Ёзувчилар союзининг биринчи съезди болалар адабиётига, унинг тарбиявий ролига жиддий эътибор берган эди. Мумтознинг «Ўрмон ва қоллон» и ёш томошабинлар театрида саҳнага қўйилди ва болаларга бир дунё шодлик бағишилади. Бугина эмас, драматургнинг «Биринчи гудок» пьесасини Ҳамза номли театр қошидаги «Трам» пичи ёшлар труппаси саҳналаштириди. «Бизда ва уларда» асарини эса ЎзССР халқ артисти Бобо Ҳўжаев Тошкент Эски шаҳар «Мусулмон бинокор усталири жамияти» клубидаги саҳнага қўйди.

Хуллас, бадиин камолот йилларигача орада кўп фасллар янгиланди. Йигитлик эҳтирослари ўринини энди фалсафий вазминлик, ҳаёт мушоҳдалари эгаллай бошлади.

Улуг Ватан уруши бошланди. Қалам найза билан тенглашди. Фашист босқинчилар билан омонсиз жангда ўзбек ёзувчилари С. Жўра, О. Шарафиддинов, Н. Сафаров, Ш. Рашидов, М. Ҷабоев, И. Раҳим, Назармат, Л. Раҳмат, А. Ҳамдам, И. Муслим, М. Исмоилий, Шуҳрат, С. Акбарий қатори шинель кийган Мумтоз Муҳамедов ҳам оловли ўйлар кечди, олдинги мэрраларда жон бериб, жон олишиди.

Мумтоз Муҳамедов Улуг Октябрь социалистик революциясининг йиғирма тўрт йиллигини Орёл бўсағаларида шиддатли жангларда кутиб

олди. Ана шу оғир жаңг кетаётган бир пайтда у шонли Коммунистик партия сәфиге қабул қилинди.

Азиз китобхон, маъзур кўрасиз, шу жойда андак илгарилаб, бир воқеалиси слашга эҳтиёж сездик. Мумтоз ака партияга қачон, қай ҳолатда кирганини бирон йигин, даврада, ҳатто энг яқинлари даврасида, тор даврада ҳам тилга олганини билмайман. Аммо унинг кейинчалик Тошкент шаҳар Октябрь район партия комитетининг секретари бўлиб ишилаётганида, бюро мажлислидан бирида шахсий иши муҳокама қилинаётган, партияда қолиш-қолмаслиги қўй устида турган одимга тиг ҷараб, ўзи шу мўътабар, табаррук даргоҳга қачон, қаерда, қай ҳолатда кирганини гапириб турганида кўзинда ёш йилтилаганини бир танишим гапириб бергани ёдимга тушди. Чиндан ҳам. Айтишга осон. Аммо ижод кишини, қалам аҳли жаңг майдоизида бир қўлида қалам, бир қўлида қурол ушлаган ҳолда ватани, ҳалқи олдида коммунист номи билан жаңгга киришни ва бу номни шараф билан оқлашни бутун вужуди, фикри, оғиг билан истайди ва шундай қиплади.

Мумтоз Муҳамедов бу пайтларда взвод командири эди, кейинчалик батареяга командирилик қилди. Тула облатининг Плевск, Черний қишлоғлари учун бўлган шиддатли жаңгларда оғир ярадор бўлди.

1943 йилиниң охириларига бориб кўмандонлик уни Москвага Ленин номидаги сиёслӣ-ҳарбий академияга юборди. Бу ерда Мумтоз Муҳамедов генерал Собир Раҳимов билан учрашади ва дўстлашиб қолади. Улар Кремлда М. И. Калиниң ҳузурида ҳам бўлишида.

Мумтоз Муҳамедов Москвадан тўппа-тўғри Брянск фронтига юборилади. Брянск фронтида ўзбек тилида нашр қилинадиган «Душманга қарши олға!» газетаси редакторининг ўриибосари, Болтиқбўйи фронти «Суворович» газетасининг ҳарбий мухбири гвардия майори Мумтоз Муҳамедов жаңгчиларимизнинг мислсиз қаҳрамонликларини улуғловчи, уларни галабага ундовчи жанговар очерк, ҳикоя ва шеърлар яратиш иштиёқи билан тўлиб-тошди. Наби Юсуфийнинг эсламича, Мумтоз Муҳамедов «Душманга қарши олға!» фронт газетаси саҳифасида эски «Муштум»чи сифатида «Наштар» бўлимини очиб, душманнинг бошига ҳажв ўтини ёғдирди.

Даҳшатли замбараклар гулдуроси аллақачон тинган бўлса-да, жаңговар тема, солдат жасорати ёзувчи ҳадлини бир дам ҳам тарк этмади.

Урушдан сўнгги тикланиш йилларида унинг «Кичик гарнизон» (1954), «Қаҳрамон изидан» (1958) қиссалари бирин-кетин босилиб чиқди. Улар ўзбек тилидан ташқари рус, тоҷик, уйғур, гуржи тилларида ҳам чои этилди. Ёзувчи уруш ҳақида бундай асарлар ёзиши фронтдаёт; кўнглига туғиб қўйгалилигини: «Соф-саломат қайтсан кўрган-кечирганиларимни прозада аҳс эттиришини ийят қилиб қўйган эдим», — деб эслайди таржимаи ҳолида.

«Кичик гарнизон» воқеалари улуғ рус тупрогининг бир қисми — Червоний Гай бесатида бўлиб ўтади. Унинг бош қаҳрамонларидан бири ўзбек йигити Султоналидир. Султонали ҳарбий хизматни Украинада ұтайди, кейин шу ордаги ўрмончилик техникумага кириб ўқиди. У практикани Червоний Гайда ўтказар экан, ўрмон қоровули Опанас Гаврилович Микола қизи Галля Билал ташиб турмуш қуради. Ўқишини тутгатча, улар Ўзбекистонга қайтадилар. Султонали ўз юритида ҳам ўрмончиликни ривожлантиришига катта ҳисса қўшади — Россия, Украина ўрмонларида орттирган тажриба ва билимларини бу ерларга ҳам тадбиқ этади.

Султонали отпуска олиб оиласи билан қайнатасиникига келганда уруш бошлишиб қолади. Хотини Галля, унинг синглиси Тамара душман қўлига асир тушиб қолишида. Аммо Султонали бундан тушкунликка тушмайди. Севикли оиласини душманнинг ифлос панжасидан қутқаришга интилиб, яширини партизанлар отрядини тузади. Огряд «Кичик гарнизон» деб аталади. Бу гарнизон душманга қаҳшатиҷ зарбалэр беради.

Уруш даври нағаси эсиб турган бу қиссада табнат, кусусан, ўрмон

манзараси, ҳуси ва латофат мөхирона чизилган, бу тасвирлар қаҳрамонлар руҳий ҳолати, ички кечинмалари билан уйгушлешиб асар туқимасига табиий равишда сингиб кетган.

Лекин орадан бир муддат ўтиб, жамоатчилик, китобхонлар, ҳамжасаба дўстларининг асар ҳақидаги ижобий фикрлари билан бир вақтда уларнинг баъзи мулоҳазалари, истак ва тилаклари бусиз ҳам ўзининг унча кўнгли тўлмаган талабчан авторга тиним бермайди. Назаридан айрим қаҳрамонлар гайритабии, атайлаб ўйлаб топилгандай. Гўё драматик ҳолатлар суст, асарга кескинлик етишмаётгандек...

Русчада тақрор-тақрор босилиб чиққан, Москвадаги «Военпиздат» нашроти кўп нусхада чоп этган «Қаҳрамон изиздан» ҳамда «Кичик гарнизон» қиссалари — китобхон эътирофини қозонган мазкур асарлар ижодий лабораторияда, сўз дастгоҳида қайта ишланди, янгитдан жилоланди, мазмунан бойтилди. Бирни ёзувчининг раъи билан «Лочинлар қиссади» деган жанговар эсдалик-ёдномага, иккинчиси «Жангтоҳ» деган романга ейланди. Табиғийи, сюжет чизиклари ҳам, таниш персонажлар ҳам ўзгарди. Ахир, баҳор бир-бирига ўхшамайди-ку! Санъаткорлинг ҳам ҳар бир янги асари айни гулллаган опидир.

«Жангтоҳ» асарининг диққатига сазовор бир жиҳатини эслатиб ўтиш экени: унга машҳур украинча «Ойда, Галия и Султан, Украина и Узбекистан» халқ қўшиғи эпиграф қилиб олинди. У асар лейтмотиви бўлиб қолди. Қўшиқ ССРР халқ артисти Тамараҳоним ижросида оммалашиб кетди. Украина бастакори Оскар Сандлар унга шоҳ парвоз багишлади.

Мумтоз Мұхамедов уруш қаҳрамонлари ҳақида йирин асарлар яратиш билангина чекланиб қолмади. Катта-кичик ҳикоялар ёзинши ҳамон давом эттирмоқда. Бу ҳикоялар кўп жиҳатдан автобиографик, негизида инсон қалби сингари саргаймас ҳужжат ётади. Ёзувчининг «Абадият» (1965) ҳикоялар мажмуасидаги «Инсон мадҳи», «Мужгон», «Қайтиш» ана шундай ҳикоялардан.

Мумтоз Мұхамедовининг урушдан кейинги давр ижодида замонавий мазвуя кенг ишланган. Унинг тинчлик нацидаси уфуриб турган асарлари «Ҳазил ва чин» (1963), «Қор қўйнида лола» (1974), «Чуллар афсонаси ва Фасонаси» (1978) тўпламларидан ўрин олгандир.

Замондошлиримиз тимсолини яратишида ёзувчи очерклар арсеналидан ҳам устални билан фойдаланади. Мана, «Аҳди борнинг баҳти бор» очерки. Уни ўқисангиз, ҳазрати инсон, томир-томирлари билан ер магзига сингиб кетган бобо чинор — иккى марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ҳамроқул Носиров кўз олдингизга келади. Халқ ўзининг бу улуг фарзандига қалбининг тўридан абадий жой берди. Зеро, социалистик адабиёт ва бу адабиёт вакили келажакни мана шундай олдиндан кўра билиши билан қадрли ва ардоқлидир.

Ёзувчининг яна бир усул очерклари борки, уларда жанг қаҳрамонларининг тинч қурилиши ва озод меҳнат қуҷоғидаги жасоратлари тараҳкум этилади. Бу жиҳатдан «Дил чироги», «Қайта туғилган кун» очерклари характерлидир. Биринчисида Совет Иттифоқи Қаҳрамони И. Наврузов ҳақида ҳикоя қилинса, иккинчисида собиқ жангчи, ҳозир мөхир илоҳа ходими А. М. Жагинев тўғрисида гап боради. М. Мұхамедов бундай кишилар образини, уларнинг характеристини, меҳнат Фаолиятини 1974 йилда яратган «Ойдин булоқ» повестидага янада чуқурлаштириди. Қиссанинг беш қаҳрамони Ҳаким Нажмидинов тўрт йил қон кечади. Урушдан қайтгач медицина институтига ўзишига киради ва врач бўлиб қишлоқка боради, минглаб кишиларнинг дардига малҳам бўлади, умрига умр қўшади.

Ўзбек совет адабиётининг тўнгич авлодига мансуб суюкли адабимиз таъаллудининг муборак етмиш йиллиги ишонланмоқда. Мумтоз Мұхаме-

дов — адабиётимизнинг жанг кўрган жангчиси. Қарийб ярим аср унинг ривожи ва мусаффолиги учун камарбасталик билан курашиб келаётган адаб.

М. Муҳамедов 1945 — 1946 йилларда Ўзбекистон ССР Министрлар Совети қошидаги телеграф агентлиги раҳбарининг ўринbosари бўлиб ишлади. 1947 йилда Тошкент шаҳар Октябрь район партия комитетининг биринчи секретари қилиб сайланди. 1949 — 1951 йилларда Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги Санъат ишлари бошқармасига бошлиқ қилди.

Маълумки, 1951 йили «Муштум» журнали қайта ташкил этилди. Адаб бу севимли журналнинг қайта туғилишига, ўз мавқеини тиклашига жуда кўп меҳнат сарф қилди ва 1954 йилгача журналнинг бош муҳаррири бўлиб ишлади. 1956 йилгача Ўзбекистон Ёзувчилар союзининг секретарлиги лавозимида бўлди. 1956 йили «Ўзбекистон маданияти» газетаси ташкил қилиниши муносабати билан унинг бош муҳаррирлигига тайинланди. 1958 йилдан «Ўзбекфильм» киностудияси директори, сўнгра ССР Адабиёт Фонди Ўзбекистон бўлимининг директори, Республика кинопротатининг бошлиғи бўлиб хизмат қилди.

М. Муҳамедовнинг она-Ватан олдидаги хизматлари муносаб тақдирланган. Кўксини «Меҳнат Қизил Байроқ», «Хурмат белгиси» орденлари, қатор медаллар безаб турибди. 1970 йилда унга «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими» деган фахрий унвон берилди.

Ҳажв билан ошнолар қаримайди, деган тап бор. Мумтоз ака ҳажвга ошиогина эмас, уни яратадиган изжодкор. Етмиш ёшида навқирон юришининг сири ҳам шунда. Ана шу навқиронлик, изжоднинг заҳмати ҳам, роҳати ҳам ҳамиша ёр бўлсин азиз дўстимизга — Мумтозимизга.

Раҳмат Файзий  
Ўзбекистон халқ ёзувчиси



ЮЛДУЗЛАР  
ХИЁБОНИ



## БИРИНЧИ БОВ

### ОРИЯТ

Осмон қизариб ёйилиб кетди-ю, Ҳакимжон қидириб бораётган қишлоқ ҳали күрингмайды. Сўқмоқларда оқсоқланиб юра вериб оёғида сёё қолмади. Йўл-йўлакай, тоглар ўрканига тикилиб, тин олди. Босиб ўтган ўўллари, қишлоқ кучалари энсиз, биракайига иккита арава сифмасди. Қаёқдан ҳам у бу қишлоққа боришга рози бўла қолди! Шаҳарда қола қолса бунча ташвиш ортиргмаган бўлар эдими? Йўлга чиққандак бери ўйлаб ўйига етолмасди.

Аммо унга институт директорининг йўлланма олаётган куни айтган ҳароратли сўзлари тасалли бериб турарди.

«Эсингизда бўлсин, уруш сиз бораётган ерларнинг ҳам чангини чиқариб юборган. Ҳаммаёқ билқ-билқ тупроқ. Гарчи ҳарбий дала почтасининг тамғаси босилган охирги уч бурчакли хат келгандан бери беш баҳор ўтган бўлса-да, уруш доғи ўртаган ҳижронзада ота-оналарнинг дийдаси ҳали қуримаган. Кимда-ким бу дард-аламга бепарво қараса, ўзига-ўзи хиёнат қиласи, тирикларга чоҳ қазигандай бўлади. Негаки, одам бир ўзиники эмас, юртники. Бир оиланинг азаси ҳамманинг мусибатидир...»

Ҳакимжонни йўл бўйи ўйлатган нарса директорнинг шугали эди. Бу аччиқ устида айтилган гап эмас, аччиқ тажрибалардан келиб чиққан ҳаётий хулоса, жангу жадалда дилига жо бўлиб қолган Ойбекнинг доно сатрларини эсига солди:

— Сенга ўшқирмоқда қора дуд, бўрон,  
Тўплар жаҳаннами билан ҳуарар ёв.  
Лекин ҳар фарзандинг аямас тан, жон,  
Сен учун кўкракдан қуарар тогдай гов.

Ҳакимжон атрофга синчков тикиларкан, бир лаҳза сөхт устида туриб қолди, күзларида ёш қалқиди, ниҳоят, адирмадыр улоқиб юриб, субҳидам ели раънолар атрини уфура бошлиганды Водилга етиб келди.

Қуёш ҳарорати теварак-атрофдаги тоғларнинг яхларини эритиб, шарбатини мана шу қишлоқни кесиб ўтадиган ўйноқи Кўксойга ҳадя қиласарди. Оби ҳаётни эмган ва илиқ ҳароратдан баҳраманд бўлган ўт-ӯлан, майса-гиёҳлар эса офтобдан жон олиб бобо қуёшга интилар эди.

Бу ажойиб водийнинг минг дардига даво бўлган ҳар бир қарич ери, ҳар битта гиёҳи, ҳар томчи суви, ҳар бир ютум ҳавоси Ҳакимжоннинг баҳри дилини очиб ўзига мафтун қилди.

Водил тоғлари оша кун уфқа оға бошлади. Яна ўнқир чўнқир йўллар... Эгри-буғри кўчалар... Ҳакимжоннинг хўрлиги келди. Ўзига-узи деди: «Тўрт йил урушда тортган азобинг, чеккан азијатларнинг етмаган бўлса, энди, мана бу кимсасиз жойларда санқиб юр, фойдага қолган умрингнинг ширин фурсатларини шаҳарда эмас, ташландиқ қишлоқда ўтказ, дея таъна қилганими бу, директоримизнинг? Сиз бораётган жойда ҳам урушнинг излари ҳали бор, дея бекорга писанди қилмаган экан-да! Ёки бошқа бировга ҳам учириги бормиди бу гапнинг? Мугизига урса, туёғи зирқираиди, ахир бир чеккаси ўзи ҳам уруш кўрган, медицина ҳарбий майори-ку!..»


Ҳакимжоннинг юрагида жўш урган бу түғён унинг фикр-мулоҳазаларига далда берди: «Ҳани, Фарғонанинг довругини чиқарган қишлоқ?.. Наҳот, шу тапни чапилган хунук деворлар ортида серфайз, серзавқ ҳовлилар, антика боғ-роғлар бўлса!..»

Ҳакимжон дармони қуриб, каллакланган ёлғиз тут тагида ўтириб қолди. Кўзи илинганд эками, бир маҳал биров туртгандай чўчиб тушди. Эси оғиб аланг-жаланг қаради — ҳеч ким йўқ. Фақат рўпарасида кесаги ўйнаб кетган ер, ҳадемай саратон шамоли эсади-ю, ҳалиям ғўзанинг қулоги кўринмайди. Тобидан ўтиб кетса нима бўлади ер? Уруг ташласанг намга ташла, намга ташламасанг томга ташла, демаганмиди боболар. Ичидан қиринди ўтди.

Яна йўлда давом этди.

Бир жойга етганда, водийга оқшом салқини қўна бошлади. Қачондан берн «поп-попи» қулоғидан кетмаган «универсал»-нинг ҳам овози ўчди. Далага сукут чўкди. Лекин узоқ чўзилмади бу. Поданинг қайтиши жимликни бузди. Сигир-бузоқларнинг маъраши унга болалигини эслатди.

...Говминини тўйдириб қош қорайганды уйга қайтганлари, онажони «шов-шов» сигир согганида тарғил бузогининг иккни



қулоғидан ушлаб турғанда, кетіга данакдай оқ өғ  
тирилған челакда қовурилған жаңырып құндырып чиққанлари,  
сүтни офтобда қиздирілған сопол төсінде жаңырып қуйгани, юм-  
шоқ нөздадан ясалған чамбараклар, әрталаб қаймоққа иссик  
нен тұғраб ейишлари...

Йұл чангитиб үтган пода Құксойга бурилди. Ҳакимжон  
уни қоралаб бораверди. Хийла юргач, тош күча олдидан  
чиқди.

Ҳакимжоннинг илк нигоҳи қаршиисида янги ой шаклида  
қад күтарған арқа түшди. Пештоқидаги «Ғолиб» колхози  
деган жимжимадор лавҳа хаёlinи үгирлади. Нарироқда  
наст-баланд уйлар. Деворларининг пахсасига «1950» рақами  
тириналған чала-ярим имарат. Үндан сал берироқда мұъжаз-  
гина сартарошхона. Құчанинг үнг бетида эса деразасининг  
бир күзига фанер қоқилған эски магазин. Үндан пастроқда,  
толзорға яқын девордаги «Фельдшер Бөқизода» деган ёзууга  
күзи түшди.

Баданига аллақандай илиқ нур югурди. Одатда бегона  
жойда бирон яқинини, жигарини, ҳамдардини учратғанда  
шундай ҳис пайдо бұлади кишида. Яна бу ким денг — нота-  
ниш бұлса ҳам фельдшер. Ҳакимжоннинг құлтиғига киради-  
ған ҳамкасаба, бамисоли бир данакнинг құшалоқ мағизи.

Паноқ тортиб кирмоқчи бұлди. Қараса, әшик зулфини-  
га нокдай қулф солинган. Оёқ-құли бұшашиб, әшик санаб  
кетди.

Құчада симёочлар қақкайиб турған бұлса-да, негадир  
электр токи йүқ, ёлғыз қироатхона рұпарасидаги чироқча  
майишиб, тоб ташлаб ётган ром-әшикларга хирагина нур  
сочиб турибди. «Тавба,—хаёлидан үтказди Ҳакимжон,—уруш-  
дан кейин қурилған уйларнинг томи ёпилиби-ю, нечук  
қироатхона битмабди?»

Битта-битта қадам ташлаб борар экан, ёнидан нотаниш  
одамлар үтиб қоларди. Дабдурустдан у бир нима деб сұраш-  
га ийманар ТошМиңи битириб, қишлоқларингизга доктор  
бұліб келдім, дейишга мақтанчоқлик бұладими, деб истиқсо-  
ла қиласади. Еораётіб, касалхонанинг үрнини ҳам чамалаб  
қүйди үзича. Қаны әнди тантилик қилиб, мана шу жойни  
ола қолинг, дейишса? Қизиқ, уста құрмаган шогирд қар  
мақомга йүргалар дегандек, нималарни хәйл қиляпти.  
Бордию колхоз раиси: «Мен сиз айтган анойи раҳбарлардан  
эмас. Одам ҳам сувни құрмай этик ечадими? Олдин бир ҳу-  
нарингизни күрсатинг, мулла иишиң менни тутун жайтарасиз»,  
деса-чи, ер ёрилиб, ерга кириб кетті.

Үндай деса Ҳакимжон қишлоққа сувнинг тиндерини ичга-

ни, офтобнинг иссигида дам олгани келибдими! Докторлик қовун сайлимидики, дўппини яримта қилиб юрса! Раисда ҳам пича иисоф бордир, наҳотки бир гап билан умидларини чил-чил қиласа? Тўғри, ҳаёт — курашишдан иборат. Умар Хайём «Садафда йигилиб, қатра дур бўлур», деб бежиз айтмаган. Қилич тошда, одам ишда қайралади. Умргузаронлик шаҳарда ҳам, қишлоқда ҳам бир. Лекин бу ерда гап яхши ёмон яшаш ҳақидамас, муродга етиш, ҳаётда из қолдириш ҳақида кетяпти. Одамнинг соғлиги хирожнинг молидан қиммат. Ундан на зар ва на заррани аяди давлат!

Ҳакимжон ҳушёр тортди. Кўксойда сувлаб бўлгач, тўп тўп бўлиб тарқалаётган пода орқасидай борди. Ола сигир билан бир бўрдоқини ҳайдаб келаётган икки кишига кўзи тушди. Бири — чоловорининг почасини қайтариб олган самбигтдай бола, иккинчиси — офтобда қорайиб кетган, ҳарбий гимнастёрка билан эски шим кийган, юзида ямоғи бор, қошлиари сийрак, ўттиз беш ёшлардаги йигит эди.

— Ҳорманглар! — Ҳакимжон чамадонини ерга қўйди. — Кечирасизлар, раисни қаердан топсанм бўларкин?

— Қайси яйис? Бу ерда иккита яйис бой. Бийи аямла, яна бийи дадамла,— деди бола кемтик тишларини кўрсатиб. Боланинг тили чучук, икки чақмоқ қанд ташланган чойдай ширин эди! «Р» товушини айтольмай, ўрнига «Й»ни ишлатиши ҳам аллақандай жозиба бахш этиб туради.

Ҳакимжон нима деб жавоб беришини билмай қолди. Фарғонадалигигида: «Сиз борадиган қишлоқда иккита раис бор» дейишган эди унга, қайси бирини сурасин?

Уртадаги сукунти яна ўша боланинг бижиллаши бузди:

— Бизага боя қолинг, амати!

— Бойвачча! Мехмон акамлар раиса опани сўраётгандарлири йўқ. Раис бувани, яъни масалан, дадангизни сўраяптилар,— деб ёнидаги киши гапга аралашди-ю,— қани муллака, бир танишиб олайлик, асли менинг отим Тогабек, аммо оёқ, қўллимнинг чаққонлигидан Булутбой ака «Лаббайтоға» деб юборганлар. Шу-шу исемим эл орасида «Лаббайтоға» бўлиб қолди! — деди. Кейин:

— Эй, мулла ака, қани юринг, кетдик. Қайси бирига борсангиз ҳам раис! Бири — колхозга, иккинчиси жамоатга. Бир ҳовлида туришади. Эр-хотинлар. Лекин ахборингиз учун айтиб қўйай, шу кунларда раисамиз Зухра опанинг машҳулиари паст. У киши билан колхознинг ваҳтли раиси Булутбой ўртасида кичкина низо бор, иккалалари келишмайди...

Ҳакимжон дабдурустдан бир нима дейишга қийналди. Ё бу ўта соддалик, ё мугамбирлик деб ўйлади. Жавобига қара-

ганды Лаббайтога счиқкунгил, дали-гули одамга үшпайди. Иүқса, биринчи марта күраётган кишисига гапнинг бунчалик авра-астарини ағдарып ташламаган бўларди.

Лаббайтога иягини бирпас силаб турди-да:

— Қани, кетдик, меҳмон! — деди Ҳакимжоннинг чамадонини елқасига қўйиб.

Тили чучук бола меҳмоннинг хушбичим қиёфасига ва бу қадди-қоматига мос тушмаган оқсоқланишига тикилиб, би дирлаб бораради:

— Амати, мени отим Ботий, сизни оттиз нима? Кимсиб ўзиз?

\* \* \*

Нақшинкор дарвозали оstonага етганиларида Ботир: «А-я-я!» деб қичқирди. Ҳовлидан келган «ҳў-ӯ» садоси баланд девордан ўтиб, кўчадаги кўктерак япроқлари ичига сингиб кетди. Кўп ўтмай эшик очилиб, истараси иссиқ аёл пайдо бўлди оstonада. Қадди-бастига ёпишиб турган намозшомгул нусха атлас чарос кўзларини, қошларидаги қалин ўсманни тағин ҳам бўрттириб турарди.

Ҳакимжон бир қарашдаёқ қирқдан ортиқ бермади. Агар қорачиқларидаги нафис бир муңг бўлмаганида бундан ҳам ёшроқ ва янаям яшнаб кетган бўлармиди у.

— Келсинлар, меҳмон, келсинлар! — деди аёл. Фарғона аёлларига хос назокат билан салом-аликдан кейин.

Аёлнинг ёнида ёногининг чўти тарам-тарам, соchlари толим-толим шаҳло кўзли қиз турарди. У марғилоннинг гулномозшом атласидай товланарди. Шўхлиги кўпроқ одобга мойил, табиатида болаликка хос беғуборлик хислатлари барқ уради. Ботир бора солиб қизнинг этагидан тортди ва жон-ҳолига кўймай Ҳакимжонга таништира бошлади:

— Амати, бу Юлдуз опамла, мана була аямла, — деб ўзини аёл бағрига отди.

Ҳакимжон қўл бериб кўришиди.

— Янглишмасам, жамоа раисаси Зуҳра опа бўласиз. Сизнинг тўғрингизда жуда кўп яхши гаплар эшитганман Фарғонада.

— Ҳа, раҳмат, хуш келибсиз, меҳмон!

— Хушвақт бўлинг!

Зуҳра опа Ботир «Юлдуз опамла» деб таништирган қизга мулоийим нигоҳ ташлади. «Меҳмон аканг билан кўришмайсанми!» — дегандай туюлди Ҳакимжонга бу қараш.

Юлдуз ерга қараб саломга эгилди.

Шунчалик латофат баҳш эттән табиат бир тантлил қилиб жоду күзларини қуюқ қошлар соясига яширмаса нима қиларди ахир!

Ҳакимжон қизнинг қўлини олди-ю, «гуп» этиб кафтига ҳарорат югурди. Эти жимиirlаб: «Иситмаси бор-ку» деган хўёл ўтди кўнглидан, сўнг зимдан яна унга нигоҳ ташлади: ҳассос табиатнинг тантлилигига қойил қолди, киприкларининг узунлиги, юзларининг ўта қизиллиги юрагига шубҳа солди... «Наҳотки, ўша дардга йўлиқкан бўлса...» Унинг ҳам кўзи Ҳакимжонда эди. Меҳмон нима деярини билмай гўлдиради:

— Раис керак эдилар...

Юлдуз маъюс жилмайди. Бу кулишда ҳам иффат, ҳам жозиба ва айни бир пайтда севикли қизнинг севгилисига қилган пинҳон нозу карашмасига ўхшаш бир нарса ҳам мавжуд эди.

— Дадамлар курортдалар.

Ҳакимжон ҳамон ўзини ўнглай олмай:

— Дадам курортдалар денг? Қачон қайтадилар? — деб сўради. Юлдузхоннинг ўрнига Зуҳра опа жавоб берди.

— Қани энди тезроқ қайта қолсалар,— товуши синиқиброқ чиқди.— Қrimдалар. Тунов кун хат келувди. Уч-тўрт ойда бориб қоламан, дебдилар. Уруш қурсин, ўша ёқда дардга чалиниб келганлар...

Шу гапни айтәётиб, Зуҳра опанинг нафаси тиқилди. Кўзларида ғилт-ғилт ёш ҳалқаланди.

«Уруш» сўзи Ҳакимжоннинг ҳам дамини кесди. Орага ноқулай жимлик чўқди. Она-бала лол тикилиб туради. Ҳакимжон Юлдузга яна зимдан назар ташлади: киприклари узун, кўзларининг қорачиғи ўткир. Икки ёноғи туртиб чиққан, юзи хол ташлаган жоноқи олмани эслатарди.

— Айланай, меҳмон, остоңада туришингиз нимаси! Қани, ҳовлига марҳамат!— Ҳакимжоннинг хаёлини Зуҳра опа бўлди.

Ҳовлига оқшом салқини инган, гуллар ҳиди анқийди. Шовиллаб оққан ариқ лабидаги чорпоядан жой кўрсатишди. Ҳакимжон ўтириши билан Лаббайтоға: «Омин, Бўтабек акамлар согайиб қайтсинлар!»— деб фотиҳа қилди.

— Илойим айтганингиз келсин!— деди Зуҳра опа.

Фотиҳадан кейин она-бала ўрнидан турди. Зуҳра опа тўғри ровонга ўтди. Юлдуз ошхонага қайрилди. Лаббайтоға ҳам: «Сизга омонат, мен ҳозир», деб қўзғалди.

Чорпояда Ҳакимжоннинг бир ўзи қолди. Хуштабиат, осуда манзара таъбини равшан қилди. Ҳордиги ёзилди. «Қиши-

лоқда қозиқ қилиб қоқиб құйишиңса ҳам туролмайсан. Марказдан узоқ, асовлашиб кетишиң ҳеч гапмас», деб таъна қилған бир хил ўртоқларининг «фалсафаси»ни эслаб, ичида күлди. Эсиз, эсиз... Дераза тагида үсгән тувак гул оламниң кенглигидан қандай баҳра топсин!

Ҳакимжоннинг күзларини қашқарча айвонниң жиҳозлари сеҳрлаб қўйди: деворда чўғдай гилам, тахмонда шоҳи-атлас кўрпа-кўрпачалар, жавонда заррин китоблар. Аммо уруш аралашиб битмай қолган бўлса керак, уйларниң эшик-деразалари мойланмай, тарақлаб ётарди. Томорқага чиқадиган йўлак болохонаси деразасиз, кўримсиз эди. Лойсувоқ томларни лолақизғалдоқ босиб, бўғотлари титилиб ётибди.

Йўл юриб толикканиданми, Ҳакимжоннинг кўзи илиниб қолибди. Бир вақт қараса, ёнбошида пар ёстиқ, ўртада дастурхон тузалган хонтахта. Лаббайтоға ҳам шу ерда, чой қайтариб ўтирибди.

Зухра опа кулимсираб:

— Йўл юриб ўрганмаган одамга қийин, илик қурийди,— деди.

Лаббайтоға Юлдузга тегажоғлиқ қилди:

— Булатбой акамлар чилим чеккандан кейин ичадиган, чумчуқнинг оёғи ботмайдиган чойдан дамламабсиз-ку, Юлдузхон!

Лаббайтоғанинг гапи ҳазил-мутойиба тарзида айтилган бўлса-да, бегона киши олдида Юлдузга оғир ботди. Юзига қизиллик югурди. У «ҳозир...» дегандай ошхонага йўналди, бир зумдан сўнг бошқатдан чой дамлаб чиқди. Ҳакимжоннинг ёнига сочиқ қўя туриб:

— Мулла ака, умивальникка сув солдим. Ювиниб оларсиз,— деди.

Ҳакимжон Юлдузга тикилди-ю, индамай атрофга аланглади. «Мана, бу ёқда умивальник», деб йўл бошлиди Юлдуз. Уни ёлғиз қолдириб, изига қайтаркан: «Меҳмон ким экан, ая, билдингизми?» — деган саволи Ҳакимжоннинг қулоғига чалинди. Зухра опа: «Исполком ё райкомдан келган вакил бўлса керак», деган жавоб қилди. Лаббайтоға эса: «Соқи-сумбатига қараганда областдан, балки унданам нари, марказдан бўлса керак, жужунча шими, қотирма кўйлаги, чалопмингга ўхшаш сават шапкаси, бўйнидаги галстуги тўғри Москвадан келган одамни эслатади», — деди.

Ҳакимжон артиниб чорпояга ўтди. Гўё ўртадаги гап сўздан хабари йўқдек, босиб-босиб кўк чой ичди, бурдаланган нонни шиннига ботириб еди, ўрнидан туриб, қўлини кўксига қўйганча таъзим қилди:

— Қани, энди чинакамига танишиб құлайлик, доктор Ҳакимжон Нажмиддинов,— деди.

— Доктор!..

Она-бола аграйиб қолишиди. Зуҳра опа шошилиб:

— Вой, докторман денг, Ҳакимжон!—деди-ю, Юлдуз билан күз уриштириб олди.

— Ҳа, докторман, қишлоғингизга ишлагани келдим!

Зуҳра опа мамнун жилмайды:

— Касалнинг тузалгиси келса, ҳаким ўз оёғи билан келар экан...

Суҳбатга фақат Юлдуз аралашмади. Уни бошқа нарса ўйлатиб қўйган эди, онасиға шивирлади:

— Ая, меҳмон кўришаётib, менга жудаям қаттиқ тикилди-я...

Зуҳра опа ярқ этиб Ҳакимжон томонга ўгирилди. Ажинларидан йилтираган терни дуррачасининг учи билан артар экан, Лаббайтогага қушқарашиб қилди.

Лаббайтога бу қарашнинг маъносини тушуниб, аввал забардаст кенг елкаларини учирди, кейин ваҳимага тушган киши овози билан ҳовлиқиб сўради:

— Ростданми?.. Қўлимни ушлади, дедингизми?

Зуҳра опанинг орияти келиб, уни қайириб ташлади:

— Үпканг йўқ-да! Намунча ҳовлиқмасанг подадан илгари чанг чиқариб! Қиз боланинг номуси шиша бўлади-я!..

## ИККИНЧИ БОЕ

### ИХЛОС

Кечаси билан Ҳакимжоннинг лабига учук тошиб чиқди. Лаббайтоганинг ўринсиз қилган учирағидан кўнгли ғашбўлди. Гўё унинг гаплари ҳақиқату Юлдуз маломат юки остида қоладигандек, тун бўйи ўз ёғида қоврилиб чиқди.

«Туппа-тузук соқол-мўйловли киши уялмай, Юлдузга: «Қўлингни ушлагани ростми?» — деди-я! Ё менинг олдимда Юлдузнинг ғурурини ерга букмоқчи бўлдими? Балки ўзининг Юлдузга кўнгли бордир. Балки совуқ қилиғи билан ораларингизга низо соламан, деганидир бу? Ёки қизнинг қалбига қўл солиб кўрмоқчимикин?» — Шуларни ўйлаб дилижунёси қоронғи бўлиб кетди. Асаби таранглашди. Лат еган оёғига оғриқ кириб, тиззасини ушлади-ю, докторликка ўқиганига ҳам пушаймон бўлди. Бошқа хотиржам касб қуриб кетганмиди? Ота касби—дурадгорликка қизиқса бўлмасмиди? Юлдузнинг қўли иссиқ-совуқми, иситмаси борми-йўқ,

ранги рүйнга тикилиши шартмиди? Наҳотки мана шу маъсум... Уша... дардга гирифтор бўлса!.. Йўқ. Илоҳим тахминидан адашган бўлай. Пола юзи, чўлпон кўзи насиб қилганига буюрсин!

Ундан десам, қўлимни куйдирган кафтининг ҳарорати-чи? Еки қишлоқ садмларининг меъжози шунақа иссиқ бўлармикин? «Юлдузхон,— деди ичидা,— қўлингизнинг ҳарорати дилингизнинг тафти эмас. Сизда ҳам дадангизнинг изтироби бор...» Тахминим тўғри чиқса, дардига малҳам бўла олармиканман! Аммо буни қай алфозда зеҳнига етказсамикин? Чўчимасмикан? «Сувни кўрмай этик ечибсиз, ўртоқ доктор!— деган маъниода рањиса нима деган одам бўламан!

Ҳакимжон врачлик бурчи билан муҳаббат алангаси ўртасида қолди. Юлдузнинг кифтига сиғмайдиган кокилларини хушбичим, бақувват гавдасининг тўлғанишларини кўз олдига келтирди тагин: «Одамнинг зуваласи қанча пишиқ бўлмасин, у ниҳолчаларга ўхшаш жуда мўрт нарса, ҳали мен уни оғир дардга чалинган бўлса керак, деяпман-ку, баъзан битта тумов ҳам кишининг ёстигини қурилади!»

«Наҳотки, шунчалик латофат бахш этган табиат тантилиқ қилиб, мана шу жоду кўзларини ўз ҳимоясига олмаса... Кўнгил боворини бирдан ҳувиллатиб, дардига шифо топиб бермаса ахир!»— деб ўйлади Ҳакимжон.

— Нонуштага тушмайсизми?— Зуҳра опа илтифот қилди пастдан туриб, Ҳакимжон турган болохонага қараб.

Ҳакимжоннинг кўнгли хиёл ёришгандай бўлди.

\* \* \*

Докторнинг қишлоқча келганига ҳам, мана, ҳафтадан ошиб қолди. У Зуҳра опанинг гапини ерда қолдирмай, тайинли бирор жой топилгунча, шу ерда, болохонада Лаббайтоға билан бирга яшаб туришга рози бўлган эди. Аммо у ҳали ҳам бу ернинг паст-баландига ўрганолмас, ё кеч ётиб, саҳар турар, ёхуд эрта ётиб кеч туради. Шу топда бўлса, осмон қизариб, кун ёришиб кетганда кўзларини ишқалаб зўрга турди. Болсона деразасини ланг очиб, әрталабки ёқимли офтоб, тиниқ ҳавода узоқ тин олди. Ҳовлига тушиш таралдувида зинапояни босган эди, мушукчасини хомуш силаб ўтирган Юлдузга кўзи тушди. У дик этиб ўрнидан туриб Ҳакимжонни колхоз идорасига, Булутбой олдига боришини эслатди.

Дарвоҷе, Ҳакимжон қишлоқча келгандан бери Булутбой

билан күриша олмай боши қотиб юрган эди. Орзиқиб кутилган дам келганидан қулф-дили очилиб кетди.

Кохоз идораси. Тұрт томони пахса билан үралган, үртаси үрикзор. Мұхориба йиллари бинонинг қаровсиз қолган девор-тошлари нураб ётарди. «Касалхонабоп жой экан», деб үйлади ва хаёлидан ажойиб бир манзара үта бошлади: ёғочдан тарашланған шийпон. Раънолар шода-шода гүнчалаған. Чиллаки голос шигил пишиб, чумчуқлар түмшугидан тушиб қолғанлари ерда чумолига таланиб ётади. Баланд сұриток тагида узун стол, ҳар ер-ҳар ерга скамейкалар құйылған. Идорага кираверишдаги пешайвон устунига илиб құйылған карнайдан ёқимли күй тараляпты.

«Правление раиси Бұтабек Рустамбеков» деб ёзилған кабинет эшиги олдидә тұхтади Ҳакимжон. Тарқоқ хаёлини үйғыштыриб, әндигина эшик бандини ушламоқчи бұлиб турған әдикі, эшик «тақ» этиб очилди. Бирор юзига шапалоқ ургандай бўлди. Ичкаридан лавлагидай қизарив Лаббайтоға чиқяпти.

— Булатбой ака бор эканларми? — сұради Ҳакимжон.

— Ҳа, борлар. Луқмон келади деб икки соатдан бери «йўлингизга кўзи тұрт бўлиб ўтирибди».

Лаббайтоға орқасига қайтиб кабинетта кирди, хиёл үтмай қайтиб чиқди-да:

— Хўжайн, мен соппа-соғман, дўхтир бекорга овора бўйтилар,— деганча қўлидаги чилим сархонасини ўйнаб ҳовлига чиқиб кетди.

Ҳакимжоннинг кўзларида истеҳзо чақнади. Зардаси қайнаб, эшикни шартта очганини билмай қолди. Хона ичидә бурқисиб ётган тамаки ҳиди димогига урилди. Кўнгли беҳузур бўлиб: «Мумкинми?» деди. Саволига жавоб олмаса ҳам ичкарига кириб, буш стулга ўтирди.

Булатбой Ҳакимжоннинг саломига зўрга алик олди. У қоғозларнинг четига қалам тутиб ўтиради. «Мунча ҳавоси баланд бўлмаса, димоги тошни ёради-я!»— деган фикр ўтди Ҳакимжоннинг кўнглидан.

Бир маҳал Булатбой ингичка иягини кўтарди. Қошларини чимириб, тирсакларини столга тиради, кейин, негадир бошини сарак-сарак қилди. Бурнини жийирганным о сўз қотди:

— Келинг, Луқмони Ҳаким, хўш... сабил, хизмат, қулогим сизда, гапираверинг!

Ҳакимжоннинг бир нима дейишга тили айланмай турған эди, кимдир, колхоз аъзоларидан бўлса керак, Булатбойнинг қулогига шивирлади.

Булутбойнинг зардаси қайнаб кетди:

— Сабил, ер ҳали етилмаган-ку! Тупроқнинг кинидигига офтоб ўтмай туриб чигит экиб бўладими? Айтиб қўй Ризаматга, номаъқулчилик қиласин! Жудаям билимдонман, деб сдамларни боабозга солмасин! Гапга кирмаса, пачаини чиқариб қўяман. Ҳа, сабил, совунимга кир ювмабди ҳали! Ким айтади сени партком Дадақўзи деб, гапингни ўтказолмасанг, хумпар!

Дадақўзининг тузи ўзгариб, чопиб чиқиб кетди.

Булутбойнинг гаплари Ҳакимжоннинг қулогига совуқ елдек урилди. Гуё бемаҳал гармесел турди-ю, кеча Ҳакимжон колхоз даласида кўрган лола-гулларни, нимжон ниҳолларни таг-томири билан қовжиратиб кетди. Ёмоннинг бир қилиги ортиқ, деб шуни айтсалар керак-да! Булутбой ҳар сафар «сабил» сўзини «са-би-л» деб чўзиб, виқор билан талаффуз қилилди.

Хуллас, Булутбойнинг хатти-ҳаракатлари Ҳакимжонга ўтиришмади. Боядан бери кутиб турганини шама қилиб, томоқ қириб йўталди. Булутбойнинг ҳам ғаши келди. Қўзларини Ҳакимжонга қадади. Бир-бирларига тикилиб қолишиди. «Иш билан келгандим, қишлоқда касалхона очсан дейман. Ўзингиз бош-қош бўлсангиз», — деб Ҳакимжон гап бошлиган эди, у бирдан «чилим», деб бақирди. Ҳеч кимдан садо бўлавермагач, Ҳакимжонга тўнгиллаб қолди:

— Сезиб турибман, сабил, бу ерга ҳеч ким ўйнагани келмайди. Ҳозир посевной вақти. Касалхонага бош-қош бўладиган одамни толибсиз-ку, тагин нима керак!

Ҳакимжон Булутбой қылган қочириқнинг маъносига тушуниди. Бу Зуҳра она шаънига айтилган гап эди. Касалхона менга эмас, унга керак дегани эди. Ҳатто, сўз орасида: «Доктор кирган уйдан касал қочади, ем ейдиган охурингизни билиб, Зуҳраникига жойлашибсиз, гапни калта қилинг», деди.

Ҳакимжон ҳам жангу жадал кўрган одам эмасми, ўзига етганча чўрткесар эди, у ҳам бўш келмади. Ётиб қолгунча, отиб қол қабилида, Булутбойнинг гапини оғзидан олиб, ёқасига ёпишириди:

— Қайси раҳбар элга фидокор бўлса, шифокор ўшанини-да...

— Демак, сабил, сизга бу қишлоқда Зуҳра элжон раҳбар экан-да?

— Ҳа-да, ахир касалхона очиш шахсий масаламас, умумий масала, деб қабул қилдилар мени.

— Ҳали касалхонани сиёсий масала ҳам дерсиз!

— Бўлмасам-чи, бизнинг мамлакатда бу сиёсий масала. Инсоннинг тан соғлиғи — давлатиниң вақтичоғлиғи!

Улар бир-бирларига тикилиб қолишиди...

Телефон жиринглаб, Булутбой кўзларини олиб қочди. «Ҳа, сабил, мен,» доб трубкани қулогига тутди. Кейин бирдан турқи ўзгарди, юзларига сохта табассум ёйилди:

— Э-э, ўртоқ Сардоров! Райкомларингизнинг секретариман, демайсизми! Қаранг, овозингиздан ҳам танимабман. Ассалому алайкум, мени кечирасиз. Соғсаломат қайтдиларми, бола-чақалар ўйнаб-кулиб юрган эканми? Ҳайтовур, тузуккина дам олдиларми? А, лаббай? Бутабек акамлар ҳам Қrimни обод қип юриптилар, дeng? Раҳмат, раҳмат. У кишининг соғлиқлари жойидами? Демак, икковларингиз бир жойда бўлибсизлар-да?! Бир саноторий-ю, ҳар хил жойда турдик, дeng? Соз, соз! Лаббай? Колхоз ишларими, ёмонмас. Посернойни суреб турибмиз. Арпа ҳам ўроққа кеп қолди. Сабил, чигит экишни... узоги билан икки ярим кунда юмалоқ ёстиқ қип ташлаймиз. Кечикипсизлар, дейсизми? Энди ўзиңгиздан қолағ гап йўқ, ўртоқ Сардоров. Тот ҳавоси дегандай. Иккинчидан, билак кучи ҳам кам, орамизда ишга ярамайдиган ногиронлар ҳам бор. Ҳа, райком топшириғини сўзсиз бажарамиз, юз фсиз қилиб бажарамиз, ўртоқ Сардоров!

Булутбой телефонда гапириша туриб, бир лаҳзада шунча турландики... Унинг хатти-ҳаракатини зимдан кузатиб ўтирган Ҳакимжон ҳайратланишини ҳам, бир нима дейишини ҳам билмасди. Трубкани жойига қўйиб, яна бирпасда аввалги ҳолатига қайтди. Гапиринг, дегандай Ҳакимжонга ўғирилди. Ҳакимжон яна ишлагани келганини писанда қилди. Булутбой тутақиб кетди, трубкани кўтариб:

— Исполком муовинини беринг,— деди ўшқириб,— Бобониёзовми?

Бирдан телефон узилди. Булутбой салом деганича гапи бўғзида қолди.

Ҳакимжоннинг диққати ошди. Ҳаёт уммонида иккалалари ҳам бир зарра, лекин зарра қўлидан кўп нарса келиши мумкинлигига имоним комил эди. Ўзига-ўзи тасалли берар экан, яна кетма-кет телефон жиринглади.

— Яхшиям ўзинг телефон қилиб қолдинг, жиян. Боя, Луқмон тўғрисида қўнғироқ қилувдим, телефон бузилиб қолди. Ўзи нима гап дейсанми? Исполком муовини сен бўла туриб, «нима гаплигини» мен билайми? Шу дейман, сабил, районда бўлаётган кўп ишлардан бехабарга ўхшайсан. Ўзинг билласанки, колхозимиз урушдан тутдек тўкилиб чиқсан.

Кишилекда ионхұр етмаётгандек, яна сабил, облздрав дүхтири юборибди. Ўша облздравга тайинлаб қўй, қарорни бошқача ёссын. Бизга, сабил, битта пильшер — диламбазанет ҳам етиб ортади. Бұтабек келмагунча бир үзим ҳал қылолмайман буни. Нозик масала. Чиқими күп. Раҳбар бұлғандан кейин ҳар ишни етти үлчаб, бир кесмасанг бұлмайди. Ахир, биласанки, бу ердагилар мени омонат раис дейишади! Нима? Дүхтири қаерда дейсанми? Сабил, олдимда үтирипти. Жұда баланддан келяпты ҳалитдан. Ўзига қўйиб берсанг борми, колхоз идорасини ёинки қироатхонани тузатиб касалхонага айлантиради. А, лаббай? Бу гапни ким үргатди, дедингми? Ким үргатарди, маҳмадана Зуҳрадан чиқсан. Яна, сабил, касалхона учун дов-дастгоҳ сотиб оберасиз, дейди. Ҳалиги, нима әди? Хах, сабил, халат-палат, аппарат-сапарат... Эй, құявесрасан, жиян! Сабил, бу Луқмон атторнинг құтисінде ійүқ гапларни айткапти.

«Нега Бұтабек ака үз ўрнига Зуҳрадай олов оладиган чүгни әмас, Булутбойдай пулласа хокандозда турмайдыган кулни қўйиб кетди? Шуннай айтар әканларда, одам танлаш деб. Молнинг оласи устида, одамнинг қораси ичида!..» деган үй үтди Ҳакимжон хаёлидан.

Шундай эса-да, у:

— Ўзингиз доктор кирган хонадондан касал қочади, дедингиз. Масала ҳал бұлғунча улов беринг, хонадонларни айланып чиқай,— деди юшаган бұлиб.

Булутбой ҳаяжонини сездирмаслик учун үтирган жойида құзғалиб-құзғалиб олди-да, үзини үнглаб туриб сұради:

— Исм-шарифлари?

— Ҳакимжон Нажмиддинов.

— Ҳакимжон... Ҳакимжон...— Булутбой номини бир неча бор айлантириб, бирдан ҳақолаб юборди:

— Э-эй, Луқмони Ҳакимман дeng!

Ҳакимжон зардасига чидай олмай бир қимирлаб қўйди. Булутбой яна саволга тутди:

— Луқмаси дегани, ҳалиги Синога ким бұлади?

— Луқмон — юкон олими. Үн тұққизинчи асрдан анча бурун үтган. Абу Али ибн Сино эса ватандошимиз, асли бу хоролик.

— Шундек дeng? Ҳали, сабил, үзларининг юртлари Бухороми?

— Ийүқ, тошкентликман.

Бириңчи тұқнашувдан Ҳакимжон Булутбойнинг қанақалигини бир чап беришдаюқ билиб олди. Зуваласи хом, фириби күп, үзидаги құпол күчга бино қўйған одам әди у...

Зуҳра опа: «Булутбойга учраб овора бўлманг, нимаики керак бўлса ўзимиз тўғрилаймиз», деб бекорга айтмаган экан, деди ичидা.

Ҳакимжоннинг ҳафсаласи пир бўлиб турган эди, Булутбой: «Бу ер колхоз идораси, от керак бўлса жамоага учранг!» — деди ва жамоа котибига телефон қилди:

— Ҳой Зокирамин? Менга қара, сабил, ҳозир Луқмон olandингта боради, арз-додини эшит. Участкаларни айланармиш, уйма-уй юриши учун от эгарлаб бер!..

Ҳакимжоннинг кўз олди қоронгилашиб, кабинетдан қандай чиқиб кетганини билмади...

## УЧИНЧИ БОБ

### ГУЗАЛЛИК НАШИДАСИ

Қишлоқ айланиб юрган Ҳакимжон шифохона очиш ҳақида Булутбой бирор хушхабар айтганмикин, деган ниятда Зокираминнинг олдига кирмоқчи бўлди. Жамоага яқинлашсанда қарға қарғанинг кўзини чўқимаса керак, деган мулоҳазага бориб, орқасига қайтди. Тўғриси, оёғи тортмади. Зокирамин билан учрашгани нимагадир рағбати йўқ эди.

Йўлни ўзгартириб, Юлдузларнинг эшиги олдидан чиқиб қолганини ўзи ҳам билмай қолди. Том бошида турнақатор тизилиб, Юлдуз билан гап отаётган қизларга кўзи тушиди:

— Ҳой Юлдузхон, бу ёққа чиқинг, одам одамга ғанимат. Ўзингиздан тиниб қолдингизми, биз томонга йўламай қўйдингиз!

— Сайёрахон, ўзингиз туша қолинг. Аллакимларга ўхшаб том бошидан мўралаб ўтирганингиз нимаси?

Қизлар бир-биридан ҳазилкаш эди. Суҳбатларига халал бермай, деб Ҳакимжон йўлакда туриб қолди. Қизларнинг бири кўрди шекилли, «вой» деб юборди. Қабутар галаси ҳафуга кўтарилгандек, дув этиб тарқаб кетишиди.

— Ҳой, қаёққа, тўхтанглар,— деб орқаларидан борди Юлдуз. Қизлар жавоб бериш ўрнига Ҳакимжон томонга кимо-ишора қилишиди.

Юлдуз қизарип-бўзарип чопганча томорқага чиқиб кетди. Ҳакимжон ҳам уялинкираб айвонга ўтди. Зуҳра опага кўзи тушиди. У Ҳакимжонни кўрмай, елкаси билан деворга суюн-

ганча райижроком раиси муовини Бобониёзов билан телефонда сұзлашарди.

— Ҳа, лаббай, Луқмонми, Луқмончами, барибир әмасми? Ахир қишлоғимизга доктор ҳам керак. Қасалхона ҳам! Шуни айтиб қўйингки Булутбой акага, докторхона учун жой топилмаса ҳовлимни бўшатиб бераман.

Зуҳра опа труккани қўйиб, қаддини ростлади.

— Салом опа,— деди Ҳакимжон иккى қўлини кўксига босиб.

— Келинг, доктор, келинг,— жилмайди Зуҳра опа.— Телефонда гапиришган одамнинг битта сўзи нашъя қиляпти менга.

— Қанақа сўз экан?

— Уйда ўтиравериб зериккан бўлсам, томорқага район әкиб ҳидлаб юрамишишман, ўсма әкиб, қошга қўярмишишман. Узимга оро берармишишман, чиройли бўлармишишман.

— Шунақа денг?! Гўзаллик нашидаси шунда эмишми?

— Эй, уларни қўяверинг. Кўлдан бери аҳвол шу,— деди бўгилиб.

Ҳакимжон Лаббайтоғанинг Зуҳра опа билан Булутбой ўртасида низо бор, деган гапининг маънисини чақа бошлади.

— Сизга айтсан, докторжон, далани соғинганман. Менинг ўрним асли далада.

— Далада бўлса, нимага чиқмайсиз? Ё тўсқинлик қилишлатими?

Зуҳра опанинг юзига қизиллик югурди.

— Менга қолса, бир кун ҳам турмай чиқиб кетардим. Амакиваччалар ҳоли-жонимга қўядими?

«Амакиваччалар»нинг кимлигини эзмалик бўлса-да, сўради Ҳакимжон:

— Ким у «амакиваччалар» деганингиз?

— Каттаси Булутбо-ю, кичиги райижроком раисининг ўринбосари Бобониёзов.

Ҳакимжон «шунақами» дегандай, Зуҳра опага ер остидан тикилди. У боши билан тасдиқ ишорасини қилиб тушунтира кетди:

— Бунинг тарихи узоқ. Бўтабек акангизнинг фронтдан орттириб келган касали бирдан қўзғаб, аҳволи оғирлашиб қолди. Үпкаларини шамоллатиб қўйган эканлар, докторлар зудлик билан санаторийга жўнатиб юборишиди. Мени эса, қўярда-қўймай, ҳам жамоага раис, ҳам Булутбойга муовин қилиб қўйишиди. Йўқ, менинг жойим далада, бригадирлигимни қилавераман, десам ҳам қулоқ солишмади.

Баъзи бир колхозчилар: «Йўқ, бизга Булутбой тўғри келмайди! Зуҳра опанинг ўзи етади», деб туриб олишган эди, Бобониёзов: «Эй, қўрқманглар, Булутбой вақтинча. Бўтабек

ака келгунларича ўрнига раислик қилиб туради. Район таш-  
килотлари ҳам шунга рози», деб күпчиликкін гафлатда қол-  
дирди. Бұтабек ақанғыз бу хабарни Құримга дам олишга  
борган райкомнинг биринчі секретари Сардоровдан эшитиб,  
қаттық хафа бўлибди. Булутбой колхозни чўқтириб қуяди,  
халқ манфаатини эмас, ўз нафсини ўйладиган бетайин  
одам, дебди. Унинг ўрнига ишнинг кузини биладиган гай-  
ратли ёшлардан раис қилиб сайланса яхши бўларди, дебди.  
Лекин Булутбой тулки-да. Бошида анча гузук ишлади, мен  
билан ҳам ҳисоблашди, колхозчиларга ҳам, раҳбарларга ҳам  
ўзининг яхши томонларини кўрсатди. Кети... Э-э, нимасини  
айтасиз, кети расвойи раддибало бўлди-қолди. Мана, энди  
хамманинг дили хуфтон.

Зуҳра опа демоқчи, дунёда ҳамма дардан дилсиёхлик ёмон. Раислик лавозимига бало-қазоводек ёпишиб олган Булутбой, кейинги вақтларда Зуҳра опани менсимай, сизнинг ишингиз жамоа деб, колхоз ишидан четлатиб қўйди. Ҳолбуки, у колхоз тузилган ўттизинчи йиллардан бошлаб қишлоқ аёлларининг байроқдори бўлган. Ўша оғир йилларда Бутабек тузган мана шу колхозда звено бошлиғи бўлиб ишлаган. Мана энди Зуҳра опа жонидан азиз кўрган колхоз қариндошуругчилик қурбони бўлиб, оқсанб ётибди.

Бободеңқонлар пахтани энг инжики өкин, деб айтишарди. Бу нозик өкиннинг сирини билмаган хирмон уя олмаслигини Зуҳра опа ҳам яхши тушунади. У бригадирлик қылган пайтда шу колхозда эллик центнерчиликни күтариб чиқиб, довруғи Кремлгача етиб борган әди. Ҳамма номини ҳурмат билан тилга олар әди. Охири амакиваччалар бир бўлиб, уни жамоага раис қилиб сайлашди-ю, севган иши — пахтачиликдан четга чиқаришди.

Доктор «чакки бўлибди» деган маънода бош чайқаб қўйди. Зуҳра опа жавоб бериш ўрнига чуқур «уҳ» тортди. Ҳозир ичига чироқ ёкса ёришмасди.

本 水 \*

Ҳакимжон Булутбойдан қўлини ювиб, қўлтиққа урди. Аламини мутолаадан олди. Мана, у ҳозир ҳам китоб кўриб, хаёлга чўмиб ўтирибди. Китоб ўқигандага ҳам баъзи бирорвлар сингари пала-партиши ваарақлаб қўя қолмасди. Мулоҳаза ва фикрларини, китоб ўзиники бўлса ҳошиясига, қироатхонадан ё бирорвдан олингани бўлса, маҳсус қоғозга ёзиб, ўша саҳифага солиб қўярди.

Енида доим беш-олтита тутилган блокиот юарди, ўқиб бўлган китобларининг холосаси уларга майда ҳарфлар билан битилган бўларди. Шифокорликка оид янгиликлар, антиқа дори хусусиятларини битталаб кўчириб олар, кейин уларни пинжика олиб юарди.

Лекин ҳозир Ҳакимжон қанчалик китобга берилиб, ўзини овутмасин, бари бир, фикру хаёлини бўлажак иш жойи, шифоталаб беморларнинг орзу-талаблари банд этарди. Узок-узоқларга нигоҳ ташлар, шифобахш тиллақош тоғлар қучоригида турганидан беҳад завқланарди. Қачонлардир яхши нијатлари ушалишига ишонарди.

У шифокорлик меҳнатининг масъулияти ҳақида бош қотираради. Ахир, беморнинг қалбига ишонч, кўзларига нур баҳш этиш — қиил устида одимлаш деган гап эмасми! Беморнинг дардман кўнглида ўзига ихлос уйғотиш, уни ишонтира олиш, дарддан халос бўлиши тўғрисида қайгуриш чакана ишми?..

Шунинг учун ҳам Ҳакимжон енгил-елни холосага келмади. Ишнинг барорини ўйлади. Зотан Лаббайтоганинг чақимчилиги, Булутбойнинг калтабинлиги касофатига эл-юртнинг ишончидан ажralиб қолса яхшими? Иигит киши учун дунёда бундан оғир жазо борми?! Уннинг хаёлини қўшиқ бўлди:

— Узун-узун аргамчи  
Ерда ётса майлим?  
Севиб қолган ёримни  
Бирор олса майлим?

Ҳакимжоннинг қулоги динг бўлди, эти жимиirlашди, ўзини панага олди...

Томорқада, ҳовуз бўйида ўтириб, қўл машинада тикип билан машғул бўлган Юлдуз ҳам сесканиб тушган эди. Кимдир уни томорқанинг нураб ётган деворлари срқасидан таъқиб қилаётгандай, юраги дукиллаб ура бошлади. Анчагача жим турди. Овоз келган томонга қулоқ солди. «Вой, ким бўлди бу?» — деди у ёқ-бу ёққа аланглаб.

Қўшиқ бօғ ичиде янграб, алламаҳалгача акс-садо бериб турди. Юлдузнинг лаблари бир-бирига жипслашмасди. Бир оқариди, бир бўзарарди.

Бир вақт томорқанинг пастак девори устида одам шарпаси кўринди.

— Того, боя ашула айтган сизмидингиз? — деди ҳаяжонланиб Юлдуз.

— Биз эдик! Ҳа, жиян! — Лаббайтога илжайди.

Юлдуз жеркиб ташламоқчи бўлди-ю, лекин тилини тий-

ди. Лаббайтоғанинг содда, оқкүнгиллигини, вақт-бевақт аяси билан дардлашиб туришини, айниңса, дадасининг жанговар дўсти эканлигини ўйлаб андиша қилди.

— Вой ўлмасам, сизга ашула айтишини, қизларга хуштор бўлишни ким қўйинбди. Туриңг-е! — деб ўпка қилди.

— Нега энди биздақаларда хушторлик бўлмас экан? Мендаги муҳаббат қанақалигини билганингиздами ўзингиз, хуштор бўлиб қолардингиз!

Юлдуз хаҳолаб кулди.

— Шунақами? Қани айтинг-чи, қанақа муҳаббат экан у?

Лаббайтоға Юлдузни синглисидеқ кўрарди. Ўртада муҳаббат бўлиши мумкинмаслигини билса ҳам, тегажоқлик қилиб, ўзини ошиғу беқарорликка олди.

— Ҳамма нарса кўнгилга боғлиқ. Кўнгил суст кетса бўлди, дил кетди деяверинг. Мен шундоқ ошиқлардан-да!!!

— О-о, «биз ошиқ» денг?

Ўйиндан ўт чиқишини ўйлаб, Лаббайтоға нафасини ютди.

Юлдуз эса: «Яхши кўрар экансиз, нега бурунроқ айтмадингиз?» — деди қошларини чимириб.

— Бурунроқ айтсан тегармидингиз?

Юлдузниг хушнуд чеҳрасида майин кулги тарапади.

— Ҳомид пўрдоққа теккандан кўра...

«Мундоқ, денг» деди-ю, Лаббайтоға мийигида кулди, қоркини чиқариб Ҳомиднинг юриш-туришини қилиб кўрсатди. «Мана шунақа», деб чорпоядаги ёстиқни қорнига маҳкам боғлади. «Тайёр үзи, дум-думалоқ бочка-я, шу семизлигига ўлгидай пакана, намозгарда ҳам ерга сояси тушмайди», деди. Қун чиқди дегунча яримтани отволади-ю, ўзини ҳовузга ташлайди, омбордаги телефонни ҳовуз лабига қўйволади-да: «Хой, тўртинччи бригада, менга қара, Фалончихонни дадам лошимлик билан мукофотлаган. Омборда турипти, опкетинглар!» — дейди. Уни кўрганлар: «Баччагарнинг йили ўрдакми, балиқ бўп кет-э!» — деб масхара қилишади. «Узиниям турган битгани жиққа мойми, дейман, сувнинг устига чиққан ёғига бемалол ош пишади».

Юлдузниг кўз ўнгига Ҳомид пўрдоқнинг беўхшов қиёғаси намоён бўлди-ю, ғаши келди:

— Қўйинг ўшани... гапирсангиз кўнглим айнийди... Дунё да бошқа гап қуриб қолганми?

Юлдуз «пиқ-пиқ» йиғлади. Маржон-маржон кўз ёшлари кафти орасидан сирғалиб тушарди.

— Кулдирай десам — унамасангиз, ҳасратларингизга қўшилай десам — яна унамасангиз, нима қиласай энди? Хайр бўлмаса!

Юлдуз ялиниб-ёлворди:

— Ҳой, менга қаранг, үзингиз нимага келиб әдингиз? Ҳамма ёққа довруқ солиб, қўшиқ айтиб келишингиздан мақсад нима?

— Қўйинг энди, сўраманг, ўйламасдан келиб қолган эканман.

— Кап-катта одам аразлаб ўтиrsa... Туришингизни қаранг-а! Қани, нимага келиб әдингиз?

Лаббайтога мўйловини бураб, кўзларини сузди Юлдузга, истар-истамас деди:

— Одамни жуда ёмон куфур қилиб юбордингиз-ку, мен, биринчидан, баъзи нарсалар тўғрисида гаплашгани келгандим. Иккинчидан, йўқ, бу ёни айтиб бўлмайди...

Юлдуз «Айтиб бўлмайди» сигу қизиқиб қолди.

— Иккинчидан нима? Төроқ ганиринг.

— Иккинчидан, бу иш тўғрисида... мен ўзим келганим йўқ. Бирор юборди.

«Бирор» сўзини эшитиб, Юлдузинг энсаси қотди:

— Жуда чўпчак қиливордингиз. Шаҳар бера қолинг...

— Топишмоғим — топишмоқ, ўйнаганим — опичмоқ, ҳайю читтигул, ҳайю читтигул, айтиб юборди Миттигул. Ҳомид пўрдоқдан нимжонгина, оти Ҳакимжонгина!

— Мундоқ демайсанми?! Ҳа-я, влгончи!..

Юлдуз ёлғондаким пўшина қилиб, ичкарига кириб кетди.

## ТУРТИНЧИ БОВ

### «КИМНИНГ ЭТАГИНИ УШЛАШТИК»

Лаббайтога Юлдуз шаънига айтган ўшиқини ёшиггандан буён Ҳакимжоннинг юрагида туғиб қўйган гумонлари кўпайиб қолди. Гарчи Зуҳра онага айтиб, қўнгли бир оз ўсан бўлса-да, бари бир ҳофалигининг посигиги оғирроқ эди. Вужудига симобдек қўйилиб қолти бу қўшиқдан унинг хотирасида ишсита нарса сенгланиб қолди: бири, Лаббайтоганинг «Ҳомид пўрдоқ юборса ҳисоб әкан-да, шаҳар бера қолинг, топишмоғим — топишмоқ, ўйнаганим — опичмоқ, ҳайю читтигул, ётиб берди Миттигул, Ҳомид пўрдоқдан нимжонгина, оти Ҳакимжонгина!» — деб унга нисбатан қилган чақимчилиги, өзкинчини, Юлдуз олдида уни бадном қилиб, үзининг жаманалигини ёълон қилгани... қолаверса, колхоз роиси Нулатбейга доистор бўлиб қайси қишлоғни олиб берарди, ичайини бир Луцмон-да, деб врачлик касбиға паст назар билди қартишни.

Әлдүз болохонага күтпір дафтганды, бу таъналарнинг оқи-  
бати нима билан тугашини үйлаб, врач бұлишига сабаб бұл-  
ған өңеаларни әслаб үтиради.

...Қрим. Ҳозир Бұтабек ақа даволанаётган «Узбекистон»  
санаторийиси атрофлари... Бир куни дафъатан старшина Ҳа-  
кимжон билан ефрейтор Зайцевни сапёрлар батальони ко-  
мандири майор ҳузурига чақириб қолишиди. Қаҳратон қиши.  
Ұларнинг қулоқлари лоладай қызарып киргапларида, майор  
столни қалам билан чертиб, асабийлашиб үтиради. Бир не-  
ча кунлук жанг комбатнинг қиёфасини үзгартыриб юбор-  
ған — үзи оппоқ, күзлари ич-ичига тушиб, соchlари ҳурпайиб  
кеттеган әди.

Жанговар дүстлар майорнинг ишорасы билан столға  
яқынлашды. Командир ҳарбий харитага қызыл, күк қалам  
билан чизиб, алланималарни доира ичига олиб үраб қойды.  
Тишлари совуқ-котгандай такиллар, тез-тез тупугини ютиб,  
тамшаниб-тамшаниб қўярди.

Ихоят, майор қаламларни харита устига қўйди. Чироқ  
тагида турган бир дона бодрингни қўлига олди-да, аввал  
кўз-кўз қўлди, кейин бошини чайқади. Бодрингни қўриб, Ҳа-  
кимжоннинг оғзини суви қочди. Ажабо, ялаб-юлқаб турган  
кучли изғирин бўлса-ю, бодринг нима қилиб юритти  
бу ёқда? Қаёқдан келиб қолди бу ноёб нарса?

Ҳакимжоннинг кўз олдига урушга жұнаган йилдаги пи-  
шилиқ келди. Дараҳтларда шира боғлаган ноз-неъматлар,  
шокомларда олтиндеқ товланган ақиқ узумлар, лоладай  
бўлиқ помидорлар, усти силлиқ найча бодринглар... оқ уруғ  
қовун ва қўзивой тарвузлар...

Қўйинг-чи, майср қўлидаги бир дона бодрингни қўриб,  
Ҳакимжоннинг юрагини яна юрт ҳаваси ишғол қўлди. Са-  
зий ўзбек деҳқонининг меҳнати дунёга келтирған нозу  
неъматларни соғинганини ва қўмсаганини хис қўлди.

Муҳим топшириқ олиш арафасида турган Ҳакимжон ха-  
слини дарров йигиштириб:

— Буйруққа тайёрмиз, ўртоқ майор,— деди.

Майор бошини кўтарди, қўлидаги бодрингни стол қирра-  
сига қўйған әди, бехосдан ерга тушиб кетди. «Тақ» этган то-  
вуш эштилди. Епирай, бодринг тар мева-ку, қандай қилиб  
садо бериши мумкин? Үнда қандайдир сир-асорор борга ўх-  
шайди.

Майор әнгашиб, бодрингни олди.

— Бу ҳақиқий бодринг әмас, бодрингнамо мина. Душман  
харитадаги кўчага мана шунақа «бодринг»ларни жойлаш-  
тирган. Вазифаларинг мушкул, қисқа вақт ичидә шу кўчани

«бодринг» лардан тозалашларинг керак. Уддаласаларинг душманининг истеъкомини ёриб ўтиш енгиллашади. Топшириқин уқдиңгларми? Такрорлайман! Сиз, старшина Нажмиддинов, групнага бошлиғиз!

Ҳарбий одатга кўра, улар топшириқни битталаб қайтаришди. Комбат харитани олдиларига сурис, «йўлларни яхшилаб ўрганиб олинглар» деб уқтириди.

...Не ажаб, от бошига иш тушса сувлиги билан сув ичар, эр бошига иш тушса, этиги билан сой кечар. Икковлон йўлга тушди. Нор гавда, арслонтуш ефрейтор Зайцев қирма-қир илгарилаб кетди... Кошки уруш бехатар бўлса! Топшириқ бажарилса, ўлмаганинг қолади, бажарилмаса агар, бўлмаганинг қолади. Борган сари ўзларини сукунат қаърига кириб, йўқолиб кетаётгандек ҳис қилишарди. Улим қаердадир пусиб ётибди. Ногоҳ оёғинг тагидан лоп этиб чиқади-ю, гирибонингдан олади.

Бир вақт сукунатни қарс этган ўқ қақшатди. Автомат тириллади. Осмондан сариқ-зангори аралаш ракета думенин чўзиб ерга қулади. Разведкачилар тунги ваҳм ичидаги юқорилаб кетишиди. Бир мўлжалга етганда траншея олдида ер тепкилаб турган посбонга рўбару келишиди. Унга чап берис бошқа бир блиндажнинг устидан чиқишиди. Ундаги посбонга ҳам тегишмади. Зайцев айни мўлжални — «бодрингзор»ни топди. Кўча тиканли сим билан ўралган экан. Симларни қирғиши, миналарни зарарсизлантириш истисно қилинса, топшириқни уддалашга яна беш соат вақт керак. Майор тайнинлаган муҳлатдан эса нари-бериси билан уч соат қолган эди.

Уйдаги гап кўчага тўғри келмайди. Қарорни ўзгартирадиган бўлишиди. Бирдан-бир илож «бодрингзор»ни қолдириб, пиёда аскарлар ўтадиган асосий йўлни миналардан тозалаш эди. Шундай қилинса, тўпотарларимизга ҳам «яшилкўча» таъминланган бўлади. Аммо ишнинг бу жиҳати майор билан келишилмаган эди.

Ҳакимжон, «нима қиласми?» — дегандай Зайцевга қаради. Вақт эса билдирилмасдан аста-секин ўтиб бораради. Жавобни кутмай, бир қарорга келди-да: «Сен изингга қайт, воқеани майорга айт. Бу ёгини ўзим эплайман», деди Зайцев.

Жанговар дўстлар зулмат пардасида хайрлашдилар. Ҳакимжон изига қайтди. Йўл-йўлакай хаёли арслонтуш дўстиди эди.

Ахир, у билан икки-уч йилдан бери нон-қатиқ эмасми? Ешлари ҳам teng: йигирма бешда. Жанг орасидаги буш лаҳзаларда: «Давай, закурим, товариш», деганлари... Хатни уч

Буклаб, оддийгина конверт қилғанлари... Зайцев қаллиғчасиңинг расмини қўйнидан чиқазиб кўрсатғанлари... Сталинграддаги тала-тўплар... Ертўлада партияга олишганда бир-бirlарини қуchoқлаб ўпгандарни...

...Ҳакимжон кўзини госпиталда очди. Пешонасига муз қўйилган эди. Икки кундан сўнг елкасини ўқ узиб кетган майорни ҳам олиб келишди. У нуқул алаҳлаб: «За Ленина, за Сталина, вперёд, товариши!» — деб қичқиради. Ҳа, у узини ҳали ҳам ҳужумкор қўшинлар олдиаги яловбардордек сезарди. Сарғиш сочлари паришон. Ёнига бориб, ҳол сўрай деса, Ҳакимжонда мадор йўқ. Чавақлаб ташланганга ўхшарди. У икки марта ярадор булди. Бир марта илигига осколка тегди. Бошқа сафар икки қошининг ўртасидан ўқ еди. Қайси бир ҳужум асносида эса ияқдан ажралишига сал қолди. Пешонасидаги ямоги ҳам шундан қолган бир нишона эди.

Шу алфозда у ҳам, майор ҳам қимирламай ётди. Оғриқ қўйворганда кўзини ундан узмасди. Афсуски, қайтиб ўзига келмади. Бир маҳал кўз югуртирса, майор ўрнида йўқ. Эси чиқиб кетди. Тағин тикилди. Каравот олдида иккита қўлтиқтаёқ турарди.

Рўпарасидаги касалга майор ётган каравотни ишора қилиб: «Қани?» — деди. У боёқиши ҳам яқинда бомба портлаб, лат еган шекилли, овози чиқмади, қўлларини қимирлатиб, « билмайман» ишорасини қилмоқчи бўлди-ю, лекин ноиложлабларини қимтиб ялаб-ялаб қуя қолди.

Госпиталда энг даҳшатлиси — ёнингдаги солдатнинг бирдан гойиб бўлиб қолиши, ҳамширадан сурасанг, уни чиқмай, қўзларида ғилт-ғилт ёш айланиши...

Бир ҳафта ўтди. Ҳакимжоннинг тикилган әтлари анча битиб, юрадиган бўлди. Зайцевнинг тақдири уни ташвишдан олиб ташвишга соларди. Қандай қилиб хабар топса экан азиз дўстидан? Иложи бўлмади. Шу орада майор Шумиловни бошқа госпиталга жунатишиди. Ҳакимжон соғайиб чиқди. Аммо узоқлашиб кетганлиги сабабли ўз қисмига тушолмади.

Мана, Ҳакимжоннинг шифокорликка ихлос қўйишининг биринчи сабаби. Иккинчиси: Ҳакимжон жанг кечган жойдан ўтаётуб полк доктори медицина капитани Зайцеванинг жасадини кўриб қолди. Қанча жонга малҳам бўлган шўрлик шифокорнинг энди ўзи чалқанчасига тушиб, бақрайганча, ер тишлаб ётарди. Азод уни кўтариб, қарағай ўрмон ичига олиб кирди, белкурак билан ер ўйиб, дағн қилди, қабри устига шох-шабба ташлади... «Полк врачи капитан Галина Александровна Зайцева», деб ёзиб қўйди.

Номлари ҳар хил, лекин фамилиялари бир-бирига үхшатын бу икки инсон умрбод Ҳакимжоннинг юрагига жойлашиб қолған эди. Уруш охири кўриниб қолди ҳамки, жанговар дўсти Зайцевдан дарак бўлмади.

Орадан бир неча ой ўтгач, уйига қайтган куни, ҳали шинелини ечиб улгурмаган ҳам эди. Зайцевдан хат келиб қолди. Буни қарангки, уруш уммонидан гойиб бўлиб кетган одам яна ҳаётга қайтибди.

Зайцевнинг ёзишича, бодрингнамо миналарни тирноқлари билан ердан ажратиб олаётганида биттаси ёрилибди-да, уни улоқтириб ташлабди. Соғ жойи қолмаган экан. Хатни ўқигач, Ҳакимжон ўзига-ўзи савол берди. Хўш, Зайцевни ҳаётга ким қайтарди? Турган гап, врачлар. Шундан кейин Ҳакимжоннинг шу касбга яна ҳам рағбати ортди. Урушдан соғ қайтсан шифокор бўламан, деб кўнглига туғиб қўйган эди. ТошМИга кирди. Инсонни хафа қилиш осон, дардини олиш, ҳаётга қайтариш қийин!..

Бу олижаноблик Ҳакимжоннинг шиорига айланиб қолган эди.

...Орзу-ҳаваслари ушалган Ҳакимжон мана энди Булутбой билан Лаббайтоганинг таънасига емиш бўлганидан хафа эди. Биринчи bemori Юлдузхоннинг дард-ғамини esa, Лаббайтога бечора қизга ўзининг жазманлигини пеш қиласди. Булутбой эса Луқмонча ем ейдиган охурни топди, деб уни лаънатларди.

Наҳотки, тақдир Ҳакимжонни мана шундай бир дунё ғалва-жанжалга бошлиб келган бўлса!..

«Ҳакимжон,— деган эди катта ҳаётга йўлланма олаётган куни муҳтарам профессор,— шуни билингки, Фаргонага кетяпсиз. Бу диёрнинг ҳар қарич ери, ҳар битта гиёҳи, ҳар томчи суви, ҳар бир ютим ҳавоси минг бир дардга даво. Ҳамма гап беғубор табиатнинг ана шу сахийлигини одамлар манфаатига хизмат қилдиришда қолган. Бу мўъжизалар фасллар учун эмас, насллар учун яратилган. Сиз ана шу жаннатни дунёга келтирган одамлар сөғлифининг посбонисиз!»

Хўш, шак келтириб бўладими устознинг бу самимий гапларига!

Ҳакимжон ўзини ернинг меҳварида тургандек ҳис қилди. Аммо ўқинчга тушди. Нима қилсин? Эси борида этакни ёпсинми? Ёпиқлик қозон ёпиглигича қолсинми?.. Қанақа бўларкин? Эшитган қулоққа ёмон. Уни бу ерга юборган соғлиқни сақлаш министрлиги-чи? Облздрав-чи? Қийинчиликларга бардош беролмадингизми, дейишса нима деган одам бўлади?

Бу фикр ва мулоҳазалар Ҳакимжонни анча ўйлатиб қўйди. Риштон ўриги соясида қошларига ўсма қўяётган Юлдузга

томон силжиброк ўтириди. Назариди Юлдуз: «Қалай, ишга күникиб кетдингизми?» — деб савол берадигандай эди.

Бу тусмоллик унга далда берди. «Шу ниятда врачлика ўқиганмидим? Масаланиң енгил-елни ҳал қилиб, мағлубиятга учрагандан кўра, қийналиб курашишим керак!» — деб хитоб қилди. Аммо: «Кимнинг этагини ушлайлик?» — деган андишани четлаб ўта олмади.

## БЕШИНЧИ БОС КУТИЛМАГАН МАКТУБЛАР

Ҳакимжон қош қорайгандан уйга қайтди. Ҳовлига кирибоқ кўзи соchlари ўрик гулидай оқ, шафтоли ранг елпигич ушлаган олтмиш ёшлар чамаси бир кишига тушди. Қиши Шаҳриёбда нусха гилам дўпписини қўли билан босиб, илжайиб турарди. Ҳакимжонни кўриши билан рўпарасига пешвоз чиқди.

— Фельдшер Диловар Боқизода! — деб танидти ўзини салом бера туриб.— Узр, малакани ошириш юзасидан областда эдим, қўлим бўшаб келолмадим..

Ҳакимжон гина-кудуратчи эмасди, «шундайми?» деб бош иргаб қўя қолди, фельдшерни ўз хонасига бошлади. Боқизода ўнмади.

— Раҳмат, диламбазанет, раҳмат, ҳовлида ўтира қолайлик. Ҳавоси сўлим ва дилкушо экан. Қаранг, ҳалиям баҳор,— деди кулимишиб.

Касбдошларнинг гапи тез қовушди. Зуҳра опа айтганидай Боқизода одамохун, ширин лафз, меҳридарё киши экан.

— Бу ерларга мен ҳам тақдир тақозоси билан келиб қолганман. Фрунзе отряди билан... Миллатим тожик. Туз-насиба экан, ризқ-рўзимни териб еб юрибман,— деди.— Яна маълумингиз учун айтиб қўяй, мен ўқимаганман. Михаил Васильевич Фрунзе отрядининг дала госпиталида дастёрлик қилиб юриб, тиббиётга муҳаббат қўйиган эмчиларданман. Уша маҳал Фарғонада яшаб врачлик қилган, ҳозирги академик Кассирскийнинг таълимими олганман. Сиз эса, худога шукур, медицина институтини тамомлаб келган мулла бўлсангиз керак, албатта.

Қизиқ, профессор Кассирский ва... Диловар Боқизода... бири академик, иккинчиси — фельдшер! Икки хил тақдир... Шири Ватанимиз пойтахти Москвада, иккинчиси — Фарғона қишлоғида...

Бу хокиёрии ўзбекларнинг очиқкўнгиллиги мафтун қилган бўлса, Ҳакимжон нима десин. Ахир, сдамийлик амал, на-

лу наасаб билан ўлчанмайди-ку! Халқ ғамини ейиш — Боқи-  
зодининг ҳам қонига сингиб кетган, халқ меҳригиёси ғалби-  
дан чукур жой олган экан, офарин дейиш керак!

Фельдшер билан сўзлашиб, Ҳакимжоннинг кўнгли равнай  
торти. У ҳам ўз навбатида институтни тамомлаганини, врачи-  
лик касбини эса, Улуг Ватан уруши йиллари севиб қолганни  
хикоя қилди...

— Тасанно, тасанно, яхши гап бу, диламбазанет.

Суҳбат чортанг эди. Икковлари ҳам шакаргуфтторлик қи-  
либ қишлоқнинг оромгоҳ жойларининг у бошидан кириб, Су-  
бошидан чиқишиди.

— Э, э, дўхтиржон, бу жойларнинг нимасини айтасиз, тур-  
ган-битгани мұъжиза. Шифо ҳикматининг қалити. Ахир, Ҳа-  
ким бувадай одамнинг ўғли Ҳамзахон ҳам бу ерларнинг гу-  
лини бекорга ҳидламаган,— деди Бесқизода.

Ҳакимжон фельдшер тилга олган одамнинг номини бил-  
мас эди. Сўради:

— Кайси Ҳаким бува?

— Ҳамзанинг дадаси-да, Ҳамза Ҳакимзодани айтипман.  
Фарғона мардумининг яна бир гапи бор: шоир Ҳувайдо  
ҳам бежиз қадам ранжида қилмаган бу ёқларга. Ҳам Фарғона  
шуароси билан баҳри байт айтишган, ҳам дардига даво из-  
лаган. Бу жойларни зиёратгоҳ дейишимизнинг маъноси шу,  
қизиқсангиз агар.

Бу маълумотлар Ҳакимжоннинг фельдшерга бўлган эъти-  
қодини яна мустаҳкамлади. Юлдуз важидан ҳам маслаҳат сў-  
раб, юрагидаги шубҳани аниқламоқчи бўлди.

— Сиз айтган дардлардан қишлоқ аҳолиси ҳам холи эмас-  
га ўхшайди. Айниқса, ёш дардман ниҳоллар бор дейишади,—  
деди.

Гап айланиб Юлдуз устида бораётган бўлса-да, фельдшер  
сукут сақлаб, Ҳакимжоннинг оғзини пойлади.

Саволига ҳадеганда жавоб олавермагач, Ҳакимжон Боқи-  
зодага ўғирилиб сўради:

— Юлдуз-чи?! У ҳам сиз айтган беморлардан эмасми?!

Қандай дардга чалинганилигидан хабарингиз бордир?

Боқизода ўнгайсизланиб кулган эди, Ҳакимжон яна савол-  
га тутди:

— Асли касали нима?

— Касали ўпкасида.

Ҳакимжоннинг чехрасида хоҳлар-хоҳламас инжу пайдо  
бўлди.

Аммо нафаси чиқмай, анчадан кейин ўзини ўнглаб олди.  
Вақтдан фойдаланган фельдшер навбатдаги саволга ўтди:

— Ҳали шунга диккинафасмай дейг? Тобингиз қочдими, деб ўйлабман. Юлдузнинг ташвишини тортиб хафа бўлманг, диламбазанет. Уни икки ёрти бир бутун бўлиб тузатамиз. Инишоолло, бу иши фақат Ойдинбулоғсан битмайди. Бўтабек акани ҳам Қримдан чақиририб, ўша ерда жайрон қилиб юбориш мумкин.

Боқизода шошилиб ўрнидан турди. Риштон ўригига илиб қўйган сариқ портфелчи очиб, ичидан қандайдир бир қогозни чиқарди. Бир кўз юргутиб олгач, «мана буни ўқинг», деб Ҳакимжоннинг қўлига тутиғазди.

— «Эсларингда бўлсин, кимда-ким ўпка дарди билан ўйнашса, ўзига ўзи чоҳ қазийди, тирикларга хиёнат қилган бўлади. Негаки, одам бир ўзи учун эмас, юрт учун яшайди. Бир оиласининг мусибати ҳамманинг мусибатидир...»

Ҳакимжон хатни қайтадан ўқиб чиқди. Мактубдаги аччиқ ҳақиқат кўз ўнгидан кетмади, назарида бу оғир дардустида Фельдшерга ёзилган хат эмас. Бўтабек аканинг касалими ни оёқда ўтказиб гафлатда қолибман, бепарвсликдан панд едим, дея қилган насиҳати.

Врач ўйлаб-ўйлаб шу холосага келди: ахир, тўниғига урса, туёги зирқирайди. Бир чеккаси ўзининг камарбандига шама қилмаялганимикан?

— Зуҳра опанинг бу мактубдан хабари борми? — Ҳакимжон ўрнидан туриб кетди. Боқизода:

— Йўқ,— деб жавоб қайтарди,— айтгандай, Зуҳра опа шифохонабоп жой-пой бераман дедиларми? Булутбой нима дейди, учрашдингизми?

— Ҳозирча Булутбой йўқ, деб айтди,— деди Ҳакимжон. Боқизода истеҳзо қилиб кулди.

— Биламан, диламбазанет. Булутбойнинг мунақа нарсаларга тоқати йўқ. Фирром, қалбаки иш бўлса — бўлгани унга!

Боқизода ичидан зил кетиб ўйланиб қолди. Кейин бошини кўтариб:

— Яхшиси жамоа билан ишни битиринг, жойни жамоа берсинг. Ахир, касалхона битта колхоз ўртасида эмас, бутун жамоа ўртасида бўлади,— деди.

— Жамоанинг касалхонабоп жойи борми?

— Жамоада унақа жой йўқ,— деди Боқизода қовогини солиб.— Лекин Булутбойни мот қиласидаган битта жойи бор. У ҳам бўлса Ойдинбулоқ. Афсуски у ҳозир...— деб фельдшернинг дами ичига тушиб кетди.

Ҳакимжон ялт этиб унинг юзига қаради. Боқизоданинг чеҳраси хиёл ёриши. У Ҳакимжоннинг кўзларидағи савол аломатини уқсан эди.